

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Факултет: Сервис ва туризм

Кафедра: Касбий таълим

«Ҳимояга тавсия этилди»

“Касбий таълим” кафедраси мудири

п.ф.д., доц. Суюнов О.Ж

Баённома № 20

2018 йил 13 июнь

**5111008 – Касб таълими: Бухгалтерия ҳисоби ва аудит
таълим йўналиши**

КТБ-114 гурӯҳ талабаси Муртазаева Зухранинг

**“Молиявий натижалар ҳисоботи мавзусини ўқитишида педагогик
технологияларнинг аҳамияти ва улардан самарали фойдаланиш
йўллари мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: и.ф.д., доц. Холикова Л.Н.

САМАРҚАНД – 2018

Кириш

I боб. Молиявий натижалар түғрисида ҳисоботнинг назарий асослари

1.1 Молиявий натижалар түғрисида ҳисоботнинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти.....(8-20)

1.2 Молиявий натижалар түғрисида ҳисоботнинг меъёрий – хукуқийасослари ва ҳисбот кўрсаткичларининг таснифи

II боб. Таълим жараёнини ташкил этиш ва олиб бориша педагогик

технологияларнинг роли

2.1 Мавзуни ўқитишида педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти

2.2 Замонавий педагогик технологиялар ва ҳозирги замон анъанавий таълими

III боб. “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусини ўқитиши методикаси ва тавсифи

3.1 “Молиявий натижалар түғрисида ҳисбот” мавзусини ўқитишида “Ассисмент”, “Икки ёқлама кундалик” ва “Брифинг” педагогик технологияларидан фойдаланишнинг услубиёти

3.2 Мавзуни ўқитишида олиб борилган тадқиқод натижаларининг таҳлили ва самарадорлигини ошириш йўллари

3.3 Ўқитиши технологияларини жорий этишида хавфсизликни таъминлаш муаммолари

Хулоса

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

Иловалар

Кириш

Мавзунинг долзарблиги: Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида иқтисодиётни эркилаштириш, мамлакатни модернизациялаш, макро-микроиқтисодий барқарорликни таъминлаш эвазига узлуксиз иқтисодий ўсишга эришишдек долзарб вазифа қўйилган. Бу эса ўз навбатида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларда бўлаётган тезкор ўзгаришлар таълим тизимини ҳам тубдан ислоҳ қилишни тақозо этмоқда, чунки мукаммал таълим тизими орқали Республикализнинг келажак интеллектуал имкониятларини ва уни гуллаб яшнаши ҳамда ривожланишини белгилаб берувчи ёшларни ҳар томонлама ижодкор, мустақил фаолият юритадиган қилиб тарбиялашда асосий омил бўлиб хизмат қиласди. Шунинг учун таълимда энг муҳим стратегик йўналиш таълим муассасаларининг инновацион фаолияти ҳисобланади. Бу эса барча таълим муассасаларида, айниқса ижодкор, юқори салоҳиятли мутахассис кадрларни тайёрловчи олий таълим масканларида инновацион технология кўринишида фаолият олиб бориш долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Хусусан, ҳозирги кунда таълим жараёнида инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кучайган.

Педагог кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш масаласи Республикализ ва жаҳон миқёсида тадқиқотчиларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Мазкур муаммо таълим мазмунини модернизациялаш, таълим жараёнини ташкил қилиш технологиялари ва усулларини оптималлаштириш билан чамбарчас боғланган. Уларнинг тўлақонли ҳал этилишига эса педагогик тадқиқотларни амалга оширишда янада мослашувчан ва тараққийпарвар ёндашувларни кенг жорий этиш орқалигина эришиш мумкин. Ўз навбатида педагогика фани бошқа фанлар каби янги-янги фактлар, юқори натижаларга эришиш имконини берувчи технологиялар асосида ривожланиб боради. Бу борада Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг қуидаги фикрларини келтириб ўтишни ўринли деб биламиз: “Барчамизга аёнки, Ўзбекистан бой қазилма ва табиий ресурсларга, қудратли иқтисодий ва инсоний салоҳиятга эга. Бироқ бизнинг энг катта бойлигимиз – бу халқимизнинг улкан интеллектуал ва маънавий салоҳиятидир. Бу салоҳиятни яратиш ва янада қўпайтиришда ҳурматли зиёлиларимиз – илм-фан ва техника намояндалари, биринчи навбатда қадрли ва ҳурматли академикларимиз, маданият, адабиёт ва санъат, спорт соҳаларининг вакиллари бутун вужудини бериб, фидокорона меҳнат қилаётганларини биз яхши биламиз ва юксак қадрлаймиз. Ана шу заҳматкаш инсонларнинг илмий ва ижодий изланишларини ҳар томонлама қўллаб-

кувватлаш, улар учун зарур шарт-шароитларяратиши биз ўзимизнинг бирламчи вазифамиз сифатида кўришимиз даркор. Ёшларимизнинг мустакил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, баҳтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз”.¹

Шунингдек, президентимиз Шавкат Мирзиёев фармонига биноан ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг асосий йўналишларидан бири бўлган “Ижтимоий соҳани ривожлантириш” га қаратилган устувор йўналишларнинг таркиби ҳисобланган “Таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ва ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш”нинг қуйидаги асосий вазифалари белгилаб қўйилди:

- узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мувофиқ, юқори малакали кадрлар тайёрлаш;
- қасб-хунар коллежлари ўқувчиларини бозор иқтисодиёти ва иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича тайёрлаш ҳамда ишга жойлаштириш борасидаги ишларни такомиллаштириш;
- таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш, олий таълим муассасаларига қабул квоталарини босқичма-босқич кўпайтириш;
- ўрта махсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштириш ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш;
- ёш авлоднинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини қўллаб-кувватлаш ҳамда амалга ошириш, болалар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш;
- ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, таълим муассасалари, ёшлар ва бошқа ташкилотларнинг самарали фаолиятини ташкил этиш.

¹Ш.М.Мирзиёев” Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Тошкент - «ЎЗБЕКИСТОН» - 2016й. 14-б.

Ушбу вазифалар ўз ўрнида мамлакатимизда таълим ва фан соҳасини ривожлантириш ва янги босқичларга кўтарилишига йўл очиб берувчи устувор вазифалардан бўлиб ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам таълим тизимида оид қуидаги фикрларни келтириб ўтганлар: Биз таълим тизимидағи инновация ва креатив ёндашувлар асосида таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичгакўтаришимиз ва бунинг аносида ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз лозим.²

Таълимнинг самарадорлигини ошириш ўз ўрнида ёшларнинг таълим марказида бўлишини ва уларнинг мустақил билим олишларини таъминлашга хизмат қиласи. Бу йўлда таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллаган кадрлар талаб этилиши билан бир қаторда уларнинг замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўқув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдалана оладиган мутахассислар зарур. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўқув-тарбиявий машғулотларда кўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш кенг йўлга қўйилмоқда.

Тадқиқотнинг мақсади: «Молиявий натижалар ҳисоботи» мавзусини ўргатиша турли педагогик технология ва усуллардан фойдаланишнинг долзарб муаммолари ҳамда талабаларнинг ўз касбий қўнималарини ривожлантириш борасида таълим жараёнида ноанъянавий таълим усулларидан фойдаланишнинг самарадорлигини аниқлаш, таълим тизимида янги педагогик технологияларни жорий этишининг назарий, амалий ва методик жиҳатларини ўрганишdir.

Тадқиқотнинг вазифаси: Тадқиқотни мақсадларидан келиб чиқиб қуидаги вазифалар белгилаб олинди ва ҳал этишга ҳаракат қилинди:

1. Мавзу юзасидан иқтисодий ва педагогик адабиётлар таҳлили;
2. “Молиявий натижалар ҳисоботи мавзусини ўқитиша педагогик технологияларнинг аҳамияти ва улардан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусини ўрганиш ва “Бухгалтерия ҳисоби” фанига ва мавзуга доир дунёқарашни шакллантириш муаммоларини ҳал этиш борасида янги педагогик технологиялар билан танишиш ва уларни таҳлил қилиш;
3. Таълим жараёнида педагогик технологияларининг афзаликларини асослаб бериш;

²Ўзб.Рес. Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2017 -йил 22-декабрь

4. Таълим жараёнида педагогик технологияларининг замонавий таълим-тарбия жараёнидаги ўрнини аниқлаш;
5. Дарс бериш жараёнида ёшларнинг “Бухгалтерия ҳисоби” фани ва мавзуга доир дунёқарашини шакллантиришда янги педагогик технологияларидан фойдаланишнинг амалий ва методик жиҳатларини тадқиқ этиш ва тегишли хулосалар ишлаб чиқиши.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирда педагог-олимлардан У. Нишоналиев, Н.С. Саидахмедов, Н.Н. Азизходжаева, Зиямухаммедов, У. Толипов, Б.Л. Фарберман ва бошқалар Республикада педагогик технологиялар муаммолари бўйича жиддий тадқиқотлар олиб бормоқдалар, биз ҳам уларнинг илмий ишлари билан яқиндан танишдик ва мавзуга доир адабиётларни ўргандик.

Тадқиқот обьекти: Самарқанд Банк коллежнинг таълим жараёни.

Тадқиқот предмети: Касб-ҳунар коллежининг таълим жараёнига янги педагогик технология ва усулларни татбиқ этиш, талабаларда “Бухгалтерия ҳисоби” фанига ва мавзуга доир дунёқарашни шакллантиришда фаол ўқитиши методларининг амалий ва методик жиҳатларини қўрсатиб бериш. Янги педагогик технологияларни қўллаш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни таҳлил қилиб, унинг ечимини топишга ҳаракат қилинди.

Асосий ишчи илмий тахмин: “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусини ўргатишда турли педагогик технологияларни қўллаб, қисқа вақт ичида каттагина ҳажмдаги билимларни талабаларга етказиб бериш, ноанъанавий дарс жараёнини қизиқарли ва мазмунли ташкил этиш ва дарснинг самарадорлигини оширишни кўзда тутади деган тахминга келинди.

Тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида”ги” қонуни, Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А.Каримов асарлари, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев асарлари ва Олий Мажлисга Мурожаатномаси тадқиқотнинг назарий ва методологик асоси сифатида олинди. Ж.Жалолов, У.А.Хошимов, И.Й.Ёқубов, А.М.Матошкин, Б.Г.Зиёмухамедов, Б.Л.Фаберман, шунингдек, бошқа бир қатор олим ва методистлар фикрларига таянди. Шунингдек, аниқ вазифаларни ҳал қилишда иқтисодий ва педагогик технологияларни ёритиб берган бошқа педагогик адабиётлардан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти: Тадқиқот натижасида республикамиз таълим муассасаларида “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусини мавзусини ўқитишда мавжуд камчиликлар ва ютуқлар

ўрганилди. Натижада ушбу мавзуни ўқитиши, педагогик технологиялардан фойдаланишнинг таомиллаштириши бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

Тадқиқот материаллари касб-хунар коллажларида методик амалий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1. “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусини ўқитишида педагогик технологиялардан фойдаланиш илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинди.

2. Касб-хунар коллажларида бухгалтер мутахассисларни тарбиялашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи илмий-услубий тавсиялар берилди.

Битирув малакавий ишнинг таркибий тузилиши. Битирув малакавий иш: кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат.

Биринчи боб - Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботнинг назарий асослари тўғрисида;

Иккинчи боб - Таълим жараёнини ташкил этиш ва олиб борища педагогик технологияларнинг роли ҳақида;

Учинчи боб “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусини ўқитиши методикаси ва тавсифига бағишлиланган.

Мавзу бўйича чоп қилинган мақола ва тезисларнинг манбалари. Илмий раҳбар Л.Н.Холикова билан биргаликда ёзилган “Инновацион педагогик технологиялардан таълим жараёнида фойдаланишнинг бугунги кун аҳамияти” мавзусида мақола Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Сервис” журналининг 2018 йил IV сонида чоп этилди.

I боб. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг назарий асослари

1.1 “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот”нинг иқтисодий мазмуни ва моҳияти

Бизга маълумки, мамлакатимизнинг халқаро иқтисодий майдондаги нуфузи ва мавқеи сезиларли даражада ошиб бормоқда. Бунда мамлакатимиз раҳбари томонидан халқаро ва миллий ижтимоий ҳамда иқтисодий ривожланиш стратегиясининг пухта ишлаб чиқилганлиги, иқтисодий ислоҳотлар мақсади ва вазифалари, амалга ошириш йўлларининг аниқ ва тўғри кўрсатиб берилганлиги бош мақсад йўлидаги ютуқ ва марраларнинг салмоқли бўлишига имкон яратмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхонанинг молиявий аҳволи тўғрисидаги ахборотлар ташқи фойдаланувчилар учун алоҳида аҳамиятга эга. Чунки уларни хўжалик юритувчи субъектга ўз маблағларини сарфлаш мақсадга мувофиқлигини аниқлаш ўта аҳамиятли ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ҳисоботи унинг молиявий ҳолатини (харажатини қоплай олишини) яққол кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини юритишдан кўзланган асосий мақсад унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни йиғиши ва умумлаштириш асосида унинг раҳбарияти ҳамда манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар учун зарур маълумотлар тўпламини вужудга келтиришдан иборатdir.

Хўжалик юритувчи субъект фаолиятидан манфаатдор бўлган юридик ва жисмоний шахсларнинг маълумотларга бўлган талаб ва эҳтиёжлари молиявий ҳисобот орқали қондирилади. Агар хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти учун зарур маълумотлар улар белгилаган ва талаб қилган санага тайёрланса ҳамда узатилса, молиявий ҳисобот Молия вазирлиги белгилаган саналарга тузилади ҳамда тақдим қилинади. Молиявий ҳисобот кўрсаткичларидан хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ҳам ўз фаолиятида кенг фойдаланади. Аммо унинг маълумотлари асосан ташқи фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган. Молиявий ҳисобот кўрсаткичлари қатъий белгиланган ва унга ўзgartiriшлар киритиш мумкин эмас.³

Молиявий ҳисоботда хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг асосий кўрсаткичлари умумий қабул қилинган ва қатъий қабул қилинган қоидалар ҳамда тартиблар асосида тузилади. Молиявий ҳисобот халқаро талаблар асосида тузилганда умумий қабул қилинган қоидалар ва тартиблар кўлланилади. Ҳар бир мамлакатда молиявий ҳисоботни тузиш тартиб ва қоидалари белгиланади. Агар мамлакатда молиявий ҳисоботни тузиш молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари асосида амалга оширилиши белгиланса, унда ушбу стандартлар талаблари ва унинг қоидаларига мувофиқ тузилади.

³Н.Ю Джўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.:2007, 7-б.

Ууман, молиявий ҳисобот субъект фаолиятининг ойнаси ҳисобланади. Унинг маълумотлари асосида субъект фаолиятига баҳо берилади ва хулоса қилинади. Молиявий ҳисоботда субъектнинг активлари, мажбурияти, капитали, даромадлари, харажатлари, фойдаси (зарари) ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлари ўз аксини топади.

Иқтисодий адабиётларда 1990 - йилгача молиявий ҳисобот тушунчаси эмас, балки **ҳисобот** тушунчаси кенг қўлланилган. Молиявий ҳисобот тушунчаси ҳисобот тушунчасидан фарқ қиласди. Юқорида таъкидланганидек, молиявий ҳисобот молиявий бухгалтерия ҳисоби, аникроғи молиявий ҳисоб маълумотлари асосида тузилади. Ҳисобот эса бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ҳисоб (статистик, тезкор) маълумотлари асосида тузилади.⁴

Қуйида «Молиявий ҳисобот» тушунчасига иқтисодчи олимлар томонидан берилган турлича таърифлар келтирилган:

“*Молиявий ҳисобот* алоҳида мустақил хўжалик юритувчи субъект бўлиши ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар бажарадиган, хўжалик юритувчи субъектга таъсир кўрсатувчи молиявий ҳодисаларни ва муомалаларни қайд қилиш усули ҳисобланади.”⁵

“*Молиявий ҳисоботларда* субъектнинг ўз мажбуриятларини бажариши ва сармояларни қайтариши учун даромад келгусида пул тушумларини олиш қобилиягини истиқбол қилишга ёрдам берадиган ахборот акс эттирилиши керак.”⁶

“*Молиявий ҳисобот* алоҳида мустақил корхона бўлиши ёки хўжалик юритувчи корхоналарнинг уюшган гуруҳига киришидан қатъий назар, бажарадиган ва субъектга таъсир кўрсатучи молиявий воқеаларни ва муомалаларни кўрсатиш усули ҳисобланади.”⁷

“*Молиявий ҳисобот*деганда, корхонанинг молиявий ҳолати, маблағлари ва уларнинг манбаларини маълум санага акс эттирилиши тушунилади.”⁸

Юқорида келтирилган таърифларда “Молиявий ҳисобот” тушунчаси бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқкан ҳолда, шунингдек унинг асосий вазифаларидан келиб чиқкан ҳолда ёритилган.

“Молиявий ҳисобот” тушунчасига таъриф беришда ҳар бир муаллиф унинг қайсиdir жиҳати ва томонларини асос қилиб олган ва унга таянган ҳолда таърифни шакллантирган. Аммо 1-жадвалдан маълумки, “Ҳисобот” тушунчаси ёритилганда асосан режани бажарилишига эътибор қаратилган бўлса, “молиявий ҳисобот” тушунчасига таъриф беришда эса бозор иқтисодиёти шароитида молиявий ҳисобот кўрсаткичларининг аҳамияти асос қилиб олинган.

Иқтисодий адабиётларда молиявий ҳисботга берилган таърифлар унинг мазмунини тўла очиб бера олмаган. Юқорида берилган таърифларга таянган ҳолда молиявий ҳисботга қўйидагича таъриф бериш мумкин:

⁴Н.Ю Джўраев. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма. ТДИУ. Т.:2007, 8-б.

⁵Ўз.Рес.1-сон БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»1998 й. 14 август. 5-модда.

⁶Молиявий ҳисоб.Т.: «Корона» 2000 й. 8-б.

⁷А.А.Каримо ва бошқалар.Бухгалтерия ҳисоби.Т.: Шарқ, 410-б.


⁸В.Ф. Палий “Современний бухгалтерский учет”. Инфра-М, 2003 г. стр-48.

“Молиявий ҳисобот ҳар бир мамлакатда қабул қилинган тартиб-қоидалар асосида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш натижасида субъектнинг мол-мулки, маблағлари, мажбуриятлари, капитал, даромадлари, харажатлари, фойдаси (зарари)нинг умумий қиймати ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, фойдаланувчилар учун зарур бошқа иқтисодий кўрсаткичларни ўзида мужассам қилган маҳсус ҳисобот шаклларининг йиғиндисидир”. Чунки, ҳар бир мамлакатда хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисобот шакллари ва уларнинг кўрсаткичлари белгилаб қўйилади.

Молиявий ҳисоботда қуидаги ахборотлар бўлиши лозим:

- инвестиция қарорлари ва кредитлар бериш тўғрисида қарорлар қабул қилишда керак бўладиган ахборот;
- субъектнинг бўлажак пул оқимларини баҳолашда фойдали ахборот;
- субъектга берилган ресурслар, мажбуриятлар ва улардаги ўзгаришлар тўғрисида ахборот.

Юқоридаги ахборотлардан ташқари, молиявий ҳисоботда батафсилроқ маълумотлар ҳам берилади. 1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»га асосан, молиявий ҳисобот фойдаланувчиларга пул маблағлари ҳаракати оқимини тахмин қилишга ёрдам берадиган, корхонанинг мулки ва ихтиёридаги ресурслари тўғрисида қуидаги маълумотларни ўз ичига олиши зарур:



1-расм. Молиявий ҳисоботда акс эттирилувчи маълумотлар.

Ушбу маълумотлар молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар учун хўжалик юритувчи субъект фаолияти тўғрисида батафсилроқ ва тўла ахборот олиш имконини беради. Молиявий ҳисобот маълумотлари ҳисобот

даври тугагандан кейинги санага шакллантирилади ва унга қўшимча маълумотлар, изоҳлар ва тушунтиришлар берилишини талаб қилинади.⁹

Шундай қилиб, молиявий ҳисобот хўжалик юритувчи субъектнинг фаолияти тўғрисидаги асосий кўрсаткичларни ўзида мужассамлаштиради. Шу билан биргаликда молиявий ҳисобот унинг кўрсаткичларини ўрганувчиларнинг ахборотларга бўлган барча талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириш имкониятига ҳам эга эмас.

Бугунги кундаги мамлакатимиз миллий иқтисодиётининг янги босқичга кўтарилиши шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолият юритиши кўп жиҳатдан уларнинг ижобий молиявий натижаларга эришишига боғлик.

Молиявий ҳисобот ҳар бир мамлакатда қабул қилинган тартиб-қоидалар асосида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш натижасида субъектнинг мол – мулки, маблағлари, мажбуриятлари, капитал, даромадлари, харажатлари, фойдаси (зарари)нинг умумий қиймати ҳамда уларнинг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, фойдаланувчилар учун зарур бошқа иқтисодий кўрсаткичларни ўзида мужассам қилган маҳсус ҳисобот шаклларининг йигиндисидир.

Бугунги кунда молиявий ҳисобот шакллари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг «Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2002-йил 27- декабрдаги 140-сон буйруғига мувофиқ тузилмоқда.

”Молиявий ҳисобот бухгалтерия ҳисоби субъектининг ҳисобот санасидаги молиявий ҳолати, ҳисобот давридаги фаолиятининг молиявий натижаси ва пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги тизимлаштирилган ахборотдан иборатdir¹⁰.

Йиллик молиявий ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ❖ бухгалтерия баланси;
- ❖ молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- ❖ пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот;
- ❖ хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот;
- ❖ изоҳлар, ҳисоб-китоблар ва тушунтиришлар.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

⁹Ўз.Рес.1-сон БҲМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот»1998 й. 14 август. 7-модда

¹⁰Ўзб. Рес. “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги конуну (янги таҳрир/ 2016 й 13 апрел).22-модда



2-расм. Молиявий ҳисоботнинг таркиби

Бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида шаклланган ва эркин рақобатга асосланган иқтисодиётда фаолият кўрсатиш учун ҳар бир корхона молиявий барқарор ва мустахкам бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан, иқтисодиётни янги босқичларга кўтариш шароитида корхоналар молиявий натижаларини шакллантиришнинг услубиётини такомиллаштириш масаласи долзарб ҳисобланади. Корхоналар молиявий натижалари кўрсаткичлари эса, бевосита Молиявий ҳисоботнинг таркиби бўлган 2-сон шакл “Молиявий натижалар түгрисида ҳисобот” да акс эттирилади.

Корхоналар молиявий натижалари деганда нима тушунилади ?

Молиявий натижалар – хўжалик юритувчи субъектнинг маълум ҳисобот даврида тадбиркорлик фаолияти жараёнида ўзига қарашли маблағнинг ошиши ёки камайишидир.

Бухгалтерия ҳисобида бундай фаолият натижаси ҳисобот давридаги барча фойдалар ва заараларни ҳисоблаш йўли билан аниқланади .

Юқоридаги таърифдан кўриниб турибдики, молиявий натижаларни аниқлаш учун маълум бир даврдаги олинган даромадлар билан қилинган харажатларни таққослаш, яъни олинган даромадлардан қилинган харажатларни айриш лозим.

Шу ўринда, **Даромадлар** - бу субъектнинг хўжалик фаолияти натижасида, одатда, ижара ҳақи, фоизлар, лицензия тўловлари ва дивидендлар шаклида даромад келтирадиган фаолият, яъни товарларнинг сотилиши, хизматларнинг кўрсатилиши ёки бошқа шахсларнинг хўжалик субъектининг ресурсларидан фойдаланиши натижасида активларнинг келиб тушиши ёки мажбуриятларнинг камайиши орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг қўпайишидир.

Харажатлар - бу активларнинг камайиши ёки фойдани қўпайтириш мақсадида хўжалик фаолиятидан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олиш орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг камайишидир.

Фойда – бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар, шароитлар натижасида капиталнинг қўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.

Зарарлар – бу асосий фаолият ва барча бошқа операциялар, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталининг камайиши бўлиб, харажатлар ёки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

Бухгалтерия ҳисобининг концептуал асосларига биноан молиявий ҳисботларда акс эттирилиши лозим бўлган еттига элементларнинг тўрттаси ана шу моддалар гурухлари эканлигини эслатган ҳолда талабага уларнинг молиявий ҳисбот таркибида акс эттирилиш жараёнини тушунтириб ўтиш лозим деб ўйлаймиз.

Даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлар “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот” таркибида акс эттирилиб, улар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳисбот давридаги молиявий натижаларининг фойда ёки заар эканлигини аниқлаш учун ишлатилади.

Фойда (заар) даромадлар ва харажатларни бир-бири билан солишириш натижасида аниқланади, яъни:

Даромадлар - харажатлар = фойда (заар)

Молиявий натижаларни аниқлаш тартибини талабага тушунтириш учун, бизнинг назаримизда, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот”да акс эттириувчи қўрсаткичларнинг шаклланиш тартибини кўриб чиқиши керак.

“Молиявий натижалар тўғрисидаги” ҳисботда даромадлар, харажатлар, фойда ва заарлар хўжалик юритувчи субъектларнинг қўйидаги фаолият соҳалари бўйича акс эттирилади:

- асосий фаолият;
- инвестицион фаолият;

- молиявий фаолият.

Ўзбекистон Республикаси “Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар” номли 2 – Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида даромадларга қуидагича таъриф берилган:

“Даромад дейилганда хўжалик субъектлари оддий фаолияти давомида олинган даромадлар, шу жумладан маҳсулотни сотиш (ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш)дан олинган даромадлар, олинган фоизлар, дивиденdlар, роялтилар ва бошқалар тушунилади.”¹¹

Асосий фаолият юзасидан даромад ва харажатларни акс эттириш маҳсулот ёки товар сотувчи корхоналарда хизмат кўрсатувчи ташкилотларга нисбатан фарқ қиласди. Маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан шуғулланувчи корхоналар ўзининг ана шу асосий фаолиятини юритиши учун 2 йўналишда харажатларни амалга оширадилар:

- маҳсулот ишлаб чиқариш учун;
- умуман асосий фаолиятни ташкил қилиш, бошқариш ҳамда унга хизмат кўрсатиш юзасидан.

Кўйида биз, даромадлар ва харажатларни тан олиш жараёни ва унинг мезонлари кўриб чиқамиз:

Хўжалик фаолиятидан олинадиган даромадлар ва харажатларни ҳисобга олишдаги асосий масала уларни тан олиш пайтини аниқлаш ҳисобланади. **Даромад ва харажатларни тан олиш уларни модда сифатида молиявий ҳисботларга киритилиш жараёнидир.** Бухгалтер даромад ва харажатларни молиявий ҳисбот моддаси сифатида тан олиши учун қуидаги муолажаларни амалга оширишини биз ҳисоб цикли жараёнини ўрганиш орқали кўриб чиқсан эдик:

- ✓ сотиш ёки бошқа турдаги даромад ёки харажатни юзага келтирувчи хўжалик муомаласи таҳлил қилиниб, у амалга оширилган сана ўрнатилади;
- ✓ хўжаликумаласи натижасида юзага келган даромад ёки харажат қиймати аниқланади;
- ✓ хўжалик муомаласига ном бериш орқали молиявий ҳисботнинг у ёки бу моддасига тааллуқли эканлиги белгиланади, яъни туркумланади. Маса-лан: маҳсулот сотишдан тушум ёки даромад, ижара даромади, фоиз кўри-нишидаги даромадлар ва ҳоказо.

Туркумлаш одатда журналларга икки ёқлама ёзувларни ёзиш орқали амалга оширилади. Икки ёқлама ёзувларни амалга ошириш учун эса тегишли ҳисобварақлардан фойдаланилади.

¹¹Ўз.Рес.2-сон БҲМС “Асосий хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар”, Т.: 2004 й ,38-бет.

Харажатларни тан олиш жараёни, яъни уларни модда сифатида молиявий ҳисоботларга киритилиш жараёни ана шундай амалга оширилади. Бунда улар амалга оширилган сана муҳим аҳамиятга эгадир:


- агар харажатлар сотиш учун мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқариш учун амалга оширилган бўлса, улар ишлаб чиқариш харажатлари дейилади;
- харажатлар янги турдаги маҳсулотни тажриба-синов мақсадларида ишлаб чиқариш учун, ёки келгусидаги операцион фаолият учун амалга оширилган бўлса, улар келгуси давр харажатлари деб тан олинади;
- агар маҳсулотлар сотилса, уларга тегишли харажатлар алоҳида ҳисобга олиниб, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларга киритилади, чунки улар ана шу ҳисобот даврида ишлаб топилган даромадларга тегиш-лидир деб ҳисобланади. Бу тан олиш пайтида мувофиқлик тамойилининг намоён бўлишидир.

Юқоридаги ҳолатларнинг барчасини инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг 2-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида даромадлар тушунчаси ва уларни ҳисобга олиш тартибини аниқлаш кўзда тутилган. Ушбу стандартда даромадларни тан олиш мезонлари кўрсатилган бўлиб, унга кўра “Асосий хўжалик фаолиятидан даромадлар,

- иқтисодий манфаатларнинг келгусида олиниш имконияти мавжуд бўлса;
- ҳамда бу манфаатлар аниқ ва ишончли равишда ўлчаниши мумкин бўлган пайтда тан олинади.

Молиявий маълумотларни эътироф этиш мезонлари сифатида бу мезонлар концептуал асослар таркибида ёритилган. Ушбу мезонларни энди факат даромадларни тан олиш жараёни бўйича кўриб чиқамиз.

Қуйида келтирилган чизма орқали мисол тарикасида, 2 – БҲМСга биноан товарлар сотишдан олинган даромад қандай шартлар бажарилганда тан олинишини кўришимиз мумкин:



3-расм. Товарлар сотишдан олинган даромаднинг тан олиниши

Молиявий натижалар ижобий ёки салбий бўлиши мумкин. Ижобий молиявий натижада олинган даромад қилинган харажат суммадан юқори бўлади ва уни фойда сифатида тан олинади. Молиявий натижада қилинган харажат олинган даромад суммасидан ортиб кетса, у зарар ҳисобланади. Аммо молиявий натижанинг қатор қўрсаткичлари мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ўз аксини топади ва ушбу ҳисобот давридаги даромадлари ва харажатлари тўғрисидаги оралиқ ва яқуний маълумотлар билан таъминлайди.

Даромад ва харажатларни тан олиш мезонларининг айрим жиҳатларини куйидагича ифодалаш мумкин:

- модда ўлчаш учун асосга эга бўлиши керак;
- сумма оқилона аниқланган бўлиши керак;

- даромадлар бўйича иқтисодий манфаатларнинг олиниши эҳтимоли мавжуд бўлиши керак;
- харажатлар бўйича иқтисодий манфаатларнинг чиқиб кетиши эҳтимоли мавжуд бўлиши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, 2-сонли Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартига биноан даромадлар қуидаги иккита шарт бажарилсагина тан олинади:

- Шартноманинг ўзи бажарилса, яъни маҳсулот харидорга етказиб берилса ёки муомала якунланган бўлса;
- Даромад сифатидаги пул маблағларини олишнинг ҳеч бўлмаганда эҳтимоли мавжуд бўлса.

Бошқача қилиб айтганда, даромадлар одатда шартноманинг бажарилиши амалга оширилганда ва тушумларни ўлчаш ҳамда олиш имкони мавжудлигининг ҳеч бўлмаганда эҳтимоли бўлсагина тан олинади.

Шундай қилиб, биз талабани даромадларни тан олиш жараёни ва мезонлари билан таништириб чиқдик. Даромад ва харажатларни тан олишда бухгалтерлар амал қилиши лозим бўлган қоидалар ҳам мавжудки, уларни **тан олишнинг 4 қоидаси** деб атаемиз. Булар:

- ✓ аниқлаш,
- ✓ баҳолаш,
- ✓ ўз вақтидалик,
- ✓ ишончлилик.

бўлиб, улар молиявий ҳисботларда тан олиш учун ҳамма моддаларга нисбатан қўлланилади.

Келтирилган 4 қоиданинг моҳиятини даромад ва харажатларни тан олиш юзасидан ёритиб беришга ҳаракат қиласиз:

Аниқлаш шуни англатадики, тан олинаётган модда молиявий ҳисботлар элементларининг (масалан, даромад ва харажатларнинг) таърифларига мос келиши керак.

Моддани пул бирликларида акс эттириш, яъни даромад ва харажатларнинг қийматини ўлчаш имкони бўлсагина, у тан олинади.

Ҳар қандай молиявий маълумотни ўз вақтида тан олиш керак, бу молиявий маълумотларнинг тўғрилигини таъминлайди.

Даромад ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлар ишончли бўлиши учун, бухгалтерия ҳисоби хужжатли ҳисоб эканлигини унутмаган ҳолда, даромад ва харажатларни фақат тегишли дастлабки ҳужжатларга асосан тан олиш лозим.

Даромад ва харажатларни тан олиш тамойиллари

Молиявий натижаларни ҳисоботда акс эттириш учун **ҳисоблаш усули** ва **мувофиқлик тамойилидан фойдаланилади**. Улардан фойдаланиш молиявий ҳисоботга қуйидагича таъсир килади:

Хўжалик муомалалари натижасидаги даромадлар ёки харажатлар, пул маблағлари келиб тушганида ёки тўланганида эмас, балки у амалга оширилган пайтда тан олиниши талаб қилинади. Ҳақиқатдан, даромадлар ва харажатларни тан олиш мезонларида иқтисодий манфаатларнинг берилиш ёки олиниши эҳтимоли мавжудлиги кўзда тутилган холос. Бу даромадлар нуқтаи назаридан бухгалтерия балансида активлар сифатида акс эттирилган пул маблағлари ёки бошқа ресурсларни олиш хукукини беради. Бу ҳолат харажатлар нуқтаи назаридан бухгалтерия балансида мажбурият сифатида акс эттирилган маблағларни тўлаш ёки хизмат кўрсатиш мажбуриягини юклайди;

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ушбу даврга тегишли бўлган даромадлар ва харажатлар акс эттирилиши керак. Ҳисоблаш тамойили мувофиқлик тамойилига тўғри келади, яъни даромад пул маблағлари олинганда эмас, товар сотилганда ёки хизмат кўрсатилганда ҳисобланади. Ҳисоблаш тамойили қўлланилганда харажатлар пул маблағлари тўланган вақтидан қатъий назар улар билан боғлиқ бўлган даромад тан олинган даврда тан олинади.

Ҳисоблаш тамойилидан фойдаланилганда, даромадларни тан олиш мақсадида уларни қуйидагича туркумлаш мумкин:

- ҳисобот даврида юзага келган ва ана шу даврда ишлаб топилган даромадлар - булар ҳисобот даврида тан олиниши лозим бўлган даромадлардир;
- ҳисобот даврида юзага келган, лекин ана шу даврда ишлаб топилмаганлиги туфайли келгуси даврлар ҳисботига киритилиши лозим бўлган даромадлар.

Ҳисоблаш тамойилига биноан **харажатлар** ҳам ҳисобот даври маълумотларига киритиш мақсадида қуйидагича туркумланиши мумкин:

- ҳисобот даврида юзага келган ва ҳисобот давридаги даромадларни олиш учун амалга оширилган харажатлар: улар ҳисобот даври харажатлари деб тан олинади;
- ҳисобот даврида юзага келган, лекин ҳисобот даври даромадларини ишлаб топиш билан боғлиқ бўлмаган, келгусидаги даромадларни олишни кўзлаб амалга оширилган харажатлар: улар келгуси даврлар харажатлари деб тан олинадилар.

Даромадлар ва харажатларнинг мувофиқлик тамойилини инобатга олган ҳолда боғлиқлиги асосида қуидаги ҳолатлар ҳам бўлиши мумкин:

- ✓ Ҳисобот даврида юзага келадиган, лекин ҳисобот даврида ҳеч қандай харажатларни талаб этмайдиган даромадлар ҳам мавжуд. Масалан, ҳисобот даврида олинган дивиденdlар учун ҳисобот даврида харажатлар қилинмайди, улар олдинги харажатлар, аниқроғи инвестициялар натижасида олинади.
- ✓ Ҳисобот даврида юзага келадиган, лекин ана шу даврда ҳеч қандай да-ромадларни олишни кўзда тутмайдиган харажатлар ҳам мавжуд. Масалан, банк кредити бўйича тўланадиган фоизлар ҳисобот даврида бирон бир даромадни олишни кўзда тутмайди.

Юқоридаги ҳолатларни инобатга олиб, харажатларни қуидаги таснифлаш мумкин:

Бевосита харажатлар - бу ҳисобот даври даромадига мос келадиган сотилган товарлар (бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар) таннархи.

Давр харажатлари – ҳисобот давридаги сотиш билан боғлиқ ва умумий маъмурий харажатлардир . Бу харажатлар улар пайдо бўлган давр мобайнида тан олинади.

Тақсимланган харажатлар - бу амортизация ёки суғурта каби харажатлардир. Бу харажатлар мунтазам равишида активлар фойда келтирилиш даврларига тақсимланади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳисоблаш тамойилига мувофиқ даромад ва харажатларни тан олишнинг қуидаги, одатда, “олтин” қоида деб аталмиш қоидалари мавжуд экан:

- ✓ агар сотиш муомаласи бўйича дебиторлик қарзи тан олинса, демак, даромадлар тан олиниши керак ва аксинча, даромад тан олинса, демак дебиторлик қарзини тан олиш лозим;
- ✓ агар хўжалик муомаласи натижасида кредиторлик қарзи тан олинса, демак, харажатларни ёки активларнинг келиб тушишини тан олиш керак ва аксинча, харажатлар ёки активларнинг келиб тушиши тан олинса демак, кредиторлик қарзи тан олинади.

Йуқорида келтирилган маълумотлардан келиб чиқсан ҳолда, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг мазмuni шундан иборатки, унда корхона хўжалик фаолиятининг якуний ва оралиқ молиявий натижаларини уларнинг алоҳида даромад (фойда), харажат (зарар) кўрсаткичларини таққослаш ва қўшиш орқали аниқланади.

Умуман олганда, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботнинг моҳияти шундан иборатки, у корхона фаолияти тўғрисидаги иқтисодий кўрсаткичларни шакллантириш билан биргалиқда унинг самарадорлиги ва

молиявий барқарорлигини тавсифлаш учун зарур маълумотларини ҳам ўзида акс эттиради. Агар бухгалтерия баланси корхонанинг мол–мулки маблағлари капитали ва мажбуриятлари, яъни корхонанинг ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат предметлари тўғрисидаги маълумотларни ўзида мужассам қилса, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботига корхонанинг меҳнат воситалари предметлари ва ишчи кучидан фойдаланиш натижасида олинган кўрсаткичларни беради. Шунинг учун ҳам унинг маъсулиятлари ташқи ва ички фойдаланувчилар учун бирдай аҳамиятлидир.

1.2 Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг меъёрий-хуқуқий асослари ва ҳисбот кўрсаткичларининг таснифи

Молиявий натижаларни аниқлаш ва улар тўғрисидаги маълумотлар бериш молиявий ҳисбот маълумотларидан фойдаланувчилар учун ўта аҳамиятлидир. Шунинг учун ҳам ҳар андай тузумда фаолият юритаётган хўжалик субъектлар ўз фаолиятларининг молиявий натижаларини аниқлайдилар. Албатта бунда мамлакатда амал қилаётган молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисботини тартибга солувчи хуқуқий ва меъёрий хужжатлар алоҳида аҳамиятга эга.

Молиявий натижаларни шакллантириш ҳисоби ва улар тўғрисидаги ҳисботни тузиш учун меъёрий – хуқуқий асос сифатида қуидагилар қўлланилиши мумкин:

1-жадвал

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботнинг меъёрий-хуқуқий асослари

Меъёрий хужжатлар номи	
	Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Конун. Т.: (янги таҳрир/ 2016 й 13 апрел).
	«Махсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низом. ЎзР Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган. (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
	Ўзбекистон Республикаси 1-сон «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисбот» номли БХМС. ЎзР Адлия вазирлигига 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган.
	«Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» номли 2-сон БХМС
	«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот» номли 3-сон БХМС
	«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМС
	«Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БХМС
	«Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўрикнома» номли 21-сон БХМС
	ЎзР молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги «Молиявий ҳисботлар шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар» 140-сон буйруғи билан тасдиқланган.

«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун бухгалтерия ҳисобини юритиш стандартларига нисбатан янги, бозор муносабатларига тўғри келадиган талабларни қарор топтиришни таъминлайди ҳамда Ўзбекистон Республикасидаги бухгалтерия ҳисоби тизимини ташкил этишда замин бўладиган асосий тамойилларни кўзда тутади.

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда қуйидаги мажбурий унсурлар бўлиши лозим:

1. Реализациядан тушган маблағ;
2. Операцион фаолиятининг натижалари;
3. Молиявий фаолият натижалари;
4. Фавқулодда фойдалар ва заарлар;
5. Шу даврдаги соф фойда ёки заар.

Кўшимчасатрлар, сарлавҳалар ва якунлар молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботнинг биринчи бетида БХМСга мувофиқ равища кўрсатилади.

Республикамизда корхона молиявий натижасини аниқлашнинг услубиёти ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999-йил 15- февралдаги 54-сон қарори (янги таҳрири 2003 йилда 444-сонли қарор билан тасдиқланган) билан тасдиқланган «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиши харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги Низом»га мувофиқ хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг молиявий натижалари фойданинг қуйидаги кўрсаткичлари билан таснифланади:

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот” шаклида даромадларни акс эттирувчи дастлабки кўрсаткич – бу маҳсулот (ёки товарлар) сотишдан (хизматлар кўрсатиш, ишлар бажаришдан) ялпи тушумлардир. Ҳисботнинг бў кўрсаткичи маҳсулот сотишидан ялпи тушумдан товарларнинг қайтарилиши ва харидорларга берилган чегирмаларни айриб юбориш орқали аниқланади. Даромадлар тушунчасининг таърифига мос равища бу сатр орқали асосий фаолият натижасида олинган тушум акс эттирилади.

“Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисбот” шаклида харажатларни акс эттирувчи дастлабки кўрсаткич - бу сотилган маҳсулотлар (товарлар, кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) таннархи бўлиб, бу кўрсаткич сотилган маҳсулотлар (товарлар ёки кўрсатилган хизматлар, бажарилган ишлар) учун ишлаб чиқарувчи томонидан қилинган харажатларни англалади.

Маҳсулот сотишдан олинган ялпи тушум суммасидан сотилган маҳсулот таннархи сўммасини чегириб юборилса, **маҳсулот сотишдан ялпи фойда (зарар)** кўрсатқичи келиб чиқади. Бу кўрсаткич ижобий бўлиши учун сотувчи ўз маҳсу-лотини уни ишлаб чиқариш учун кетган харажатларга нисбатан қимматроқ нархда сотиши керак бўлади.

➤ **маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда**, бу сотишдан олинган соф тушум (9000 счёtlар) билан сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи(9110 счёtlар) ўртасидаги тавофут сифатида аниқланади :

$$\text{ЯФ} = \text{ССТ-ИТ}$$

бунда, ЯФ - ялпи фойда;

ССТ - сотишдан олинган соф тушум;

ИТ - сотилган маҳсулотнинг ишлаб чиқариш таннархи.

Олинган ялпи фойда ҳисобига корхонанинг операцион ха-ражатлари ҳам қопланиши кўзда тутилиши керак. Шуни инобатга олган ҳолда ҳисботда асосий фаолиятдан фойдани аниқлаш учун маҳсулот сотишдан ялпи тушум суммасидан операцион харажатлар чегириб юборилади. Операцион хара-жатлар таркибига маҳсулотни сотиш билан боғлик харажатлар, маъмурий ва бошқа операцион харажатлар киритилади, яъни:

➤ **асосий фаолиятдан кўрилган фойда**, бу маҳсулотни сотишдан олинган ялпи фойда билан давр харажатлари (9400 счёtlар) ўртасидаги тавофут ва асосий фаолиятдан кўрилган бошқа даромадлар (9300 счёtlар) ёки бошқа заарлар сифатида аниқланади:

$$\text{АФФ} = \text{ЯФ-ДХ+БД-БЗ},$$

бунда,

АФФ – асосий фаолиятдан олинган фойда;

ДХ – давр харажатлари;

БД - асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар;

БЗ – асосий фаолиятдан кўрилган бошқа заарлар;

Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисботда молиявий фаолият бўйича олинган натижалар алоҳида акс эттирилади. Молиявий фаолият бўйича даромадлар ва харажатларнинг алгебраик йиғиндиси молиявий фаолият бўйича фойда ёки заарни кўрсатади.

Асосий ва молиявий фаолият натижалари йиғиндиси хўжалик юритувчи субъектлар умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки заар кўрсатқичи сифатида акс эттирилади, яъни:

➤ **умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда (ёки заарлар)**, бу асосий фаолиятдан олинган фойда суммаси плюс молиявий фаолиятдан кўрилган даромадлар (9500 счёtlар) ва минус молиявий фаолият бўйича харажатлар (9600 счёtlар) сифатида ҳисоблаб чиқилади:

$УФ = АФФ+МД-МХ$

бунда,

УФ - умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда;

МД - молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;

МХ - молиявий фаолият харажатлари;

Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки заарар кўрсаткичига фавқулодда фойда ёки заарарларни қўшсак, солиқка тортилгунга қадар фойда юзага келади, яъни:

➤ **солиқ тўлагунгача олинган фойда**, у умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда плус фавқулодда (кўзда тутилмаган) вазиятларда кўрилган фойда (9710 счёtlар) ва минус заарар (9720 счёtlар) сифатида аниқланади:

$СТФ = УФ+ФФ-ФЗ$

бунда,

СТФ - солиқ тўлагунгача олинган фойда;

ФФ - фавқулодда вазиятлардан олинган фойда;

ФЗ - фавқулодда вазиятлардан кўрилган заарар.

Солиқка тортилгунга қадар фойда суммасидан фойда солиги ва қонунчиликка асосан заҳира капиталига қилинган ажратмалар суммасини айриб ташласак, ҳисобот йилининг соф фойдаси юзага келади, яъни:

➤ **йилининг соф фойдаси**, у солиқ тўлангандан кейин хўжалик юритувчи субъект ихтиёрида қолади, ўзида даромад (фойда)дан тўланадиган солиқни (9810 счёт) ва минус қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа солиқлар ва тўловларни (9820 счёт) чиқариб ташлаган ҳолда солиқлар тўлангунга қадар олинган фойдани ифодалайди:

$СФ = СТФ-ДС-БС$

бунда,

СФ – соф фойда;

ДС – даромад (фойда)дан тўланадиган солиқ;

БС – бошқа солиқлар ва тўловлар.

Республикамиздаги барча корхоналар мулкчилик шакллари ва қайси тармоққа тегишлилигидан қатъий назар молиявий натижаларни аниқлашда ушбу тартиб қўлланилади.

II боб. Таълим жараёнини ташкил этиш ва олиб боришда педагогик технологияларнинг роли

2.1 Мавзуни ўқитишида педагогик технологияларнинг ўрни ва аҳамияти

Инсоният жамиятининг ҳозирги замон ривожланиш даражаси мустақил республикамиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида амалга оширилаётган туб ўзгаришларда ўз аксини топмоқда. Бундай ўзгаришлар шакшубҳасиз, баркамол шахсни таркиб топтириш билан чамбарчас боғлик.

Айнан ана шу масала "Таълим тўғрисида"ги Конун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" да ўз аксини топган.

Бугунги қунда инсоният жамияти, шунингдек, мустақил республикамиз халқи олдида турган ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-сиёсий, таълимий-тарбиявий муаммоларнинг ечимини топиш табиий, ижтимоий, техник фанларни ўзаро алоқадорлиги ва ўзаро муносабатларига боғлик. Чunksи, уларнинг барчаси моҳияти, мазмуни, табиати, шакли ва кўламига кўра тизимлилик характеристига эга бўлиб, уларга айнан мос ёндашув ёрдамида тадқиқ этилиб, ечими топилади. Бу ўз навбатида таълим-тарбия ишида ҳам тизимли ёндашувдан фойдаланишини кўзда тутади.

Республика таълим-тарбия жараёни билан боғлик ўзгаришлар таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни миллий рух билан суғориш, самарали анъанавий услубларни сақлаб қолган ҳолда янгликларни яратиш ва амалиётда қўллаш борасида олиб борилаётган ишлар билан боғлик. Бу йўналиш кенг қамровли бўлиб, мазмунан такомиллашиб бормоқда. Таълимда янги педагогик технологияларни қўллаш, таълимни бутун жараёнини аниқ режа асосида ташкил қилиш ҳамда ўқув жараёнин мақсадга мувофиқ ташкил қилиш ҳисобига уни индивидуаллаштиришни кўзда тутади.

Педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш моҳияти хусусида сўз юритиш учун "таълим технологияси" тушунчасининг туб маъносини англаш талаб этилади.

Педагогик технология асримизнинг 60-йилларида америка Кўшма Штатларида, 70-80 йилларда бошқа ривожланган мамлакатларда кенг қўлланила бошланди.

ЮНЕСКОнинг 1996 – йилдаги халқаро конференциясида мамлакатнинг маънавий иқтисодий салоҳиятини оширишда ва таълим – тарбияни интенсивлаштиришда педагогик технология муҳим аҳамиятга эга эканлиги илмий асосланади.

"Педагогик технология" сўз бирлиги – бу инглизча "**an educational technology**" – "таълим технологияси" иборасининг аниқ бўлмаган

таржимасидир. “Педагогиктехнология” тушунчаси охирги пайтларда ўқитиш назариясида янада кенгрокқұлланилмоқда. Айнан “технология” термини ва унинг “ўқитиш техологияси”, “таълим технологияси”, “таълимда технология” каби шаклларига педагогик адабиётларда 300 дан ортиқ таърифлар берилган.

Дастлаб “технология” тушунчасига аниқлик киритайлик. Бу сўз техникавий тараққиёт билан боғлиқ ҳолда фанга 1872 йилда кириб келди ва «Технология» - юонча «течне» сўзидан олинган бўлиб, **маҳорат, санъат** ва «**логос**» - сўз, **таълимот** маъносини англатади.

“Педагогик технология” термини биринчи бор педагогика бўйича ишларда XXасрнинг 20-йилларида тилга олинган. Ҳозирги кунда педагогик технологиятушунчасида турлича ифодалашлар мавжуд.

Б.Зиёмухаммадовнинг фикрича - маърузачи (педагог)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитларда кўрсатган тизимли таъсири натижасида уларда жамият учун зарур бўлган ва олдиндан белгиланган ижтимоий сифатларни интенсив тарзда шакллантирувчи ижтимоий ҳодиса деб таърифлаш мумкин. Таърифлар назарияси бўйича бундай ижтимоий ҳодисани педагогик технология дэса бўлади.

Н.Сайдахмедов ва А.Очиловларнинг фикрича, педагогик технология-бу ўқитувчи(тарбиячи)нинг ўқитиш воситалари ёрдамида таҳсил олувчиларга муайян шароитда таъсир кўрсатиши ва бу фаолият маҳсули сифатида уларда олдиндан белгиланган шахс сифатларининг жадал шаклланишини кафолатлайдиган жараёнидир.¹²

Ўзбекистонлик педагог олим Б.Л.Фарберман педагогик технологияга қуидагича таъриф беради: «Педагогик технология-педагогик жараёнга янгича ёндошув бўлиб, педагогикада ижтимоий-муҳандислик онг ифодасидир. У педагогик жараённи техника имкониятлари ва инсоннинг техникавий тафаккури асосида стандарт ҳолга солиб, унинг оптимал лойиҳасини тузиб чиқиши билан боғлиқ ижтимоий ҳодисадир»¹³.

«Педагогик технология - ўқув жараёнини технологиялаштириб, унинг қайта тикланувчанлигини ҳамда педагогик жараён турғунлигини ошириб, бу жараён ижроқисининг субъектив хусусиятларидан уни озод қиласи»,- дейди В.М.Манахов.

Педагогик адабиётларда педагогик технологияга берилган бошқа таърифларни ҳам ўргандик, бизнингча, энг мақбули ЮНЕСКО таърифидир.

«Педагогик технология – ўз олдига педагогик шаклларни муқобиллаштириш вазифасини қўювчи, техник ҳамда шахс ресурслари

¹²“Педагогик технологиялар” –Т. Молия. Маъруза матни

¹³Н. Сайдахмедов “Янги педагогик технологиялар” –Маърузалар матни Т. Молия. -2001й

ва уларнинг ўзаро фаолиятини ҳисобга олиб, педагогик таҳсил олиш жараёнини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли методидир»¹⁴.

Ушбу таърифни ўргангандан сўнг ўқувчида, нега айнан ЮНЕСКО нинг таърифи энг мақбул деган ҳақли савол пайдо бўлади: биз келтирилган таърифдан шуни тушундикки, педагогик технология- бу ўқув жараёнининг лойиҳалаштирилиши, ташкил этилиши, ўтказилиши бўйича барча тафсилотлари билан ўйлаб чиқилган педагогик фаолиятнинг модели, дарс жараёнида талаба ва педагогларга қулай шароит яратиши лозим бўлган восита.

Технология- жараёнларни амалга ошириш усуллари ва воситалари ҳақидаги билимлар йифиндиси, шунингдек объектда содир бўладиган сифат ўзгаришлар тушинилади.

Таълим технологиясининг ишлаб чиқариш технологиясидан келиб чиқсан ҳолда уч хил атамаси мавжуд:

Педагогик технология - ўқув жараёнини технологиялаштиришни бутунлигicha аниқловчи тизимли категория. Технологияларни барча, бошқа тушунчаларини белгилаш учун, синоним сифатида - таълим технологияси, ўқитиш технологияси кабиларни ишлатиш мумкин.

Ўқитиш технологияси - биринчидан, педагогик технологияни жараёнли - харакат аспектини англаади. Бу, таълим жараёнини ўзгарувчан шароитларда, ажратилган вақт давомида истиқболлаштирилган натижаларига кафолатли эришишга ва конкрет таълим-тарбия жараёнларини амалга оширишни инструментал таъминловчи, усул ва воситалар (технологик операстиялар)нинг тартибли бирлигини ўзида мужассамлаштирган таълим моделини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг технологик жараёни;

Иккинчидан, педагогик технологиянинг жараёнли-баёнли аспектини ифодалайди. Бу, мақсадни амалга ошириш ва истиқболда белгиланган натижаларга эришиш бўйича педагогик ҳамда ўқув фаолиятини лойиҳасини бажаришни баёнидир (технологик харита).

Таълим технологияси - педагогик технологиянинг илмий аспектини белгилаш учун ишлатилади. Бу (фан предмети), «техник ва инсон ресурсларини ҳамда уларни, ўз олдига таълим шаклларини оптималлаштириш вазифасини қўювчи ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда дарс бериш ва билимларни ўзлаштиришнинг барча жараёнларини яратиш, қўллаш ва белгилашнинг тизимли усули».¹⁵

¹⁴У.Толипов ”Педагогик технологиялар: назария ва амалиёт” Т, “Фан” -2005 й

¹⁵П.Гуррей , „Teaching English as a foreign language”, Л., 1955.

Таълим технологияси – таълим моделларини оптималлаштириш мақсадида, инсон ва техника ресурслари ва уларнинг ўзаро таъсирини ҳисобга олган ҳолда бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини яратиш, қўллаш ва аниқлаш тизимиdir.

Тизим деб, тартибланган, ўзаро узвий боғланган ва биргаликда умумий функцияни бажарувчи элементлар тўпламига айтилади.

Инсоният цивилизациясининг қуий босқичларида шахсни тарбиялаш, унга таълим беришга йўналтирилган фаолият содда, жуда оддий талаблар асосида ташкил этилган бўлса, бугунги кунга келиб таълим жараёнини ташкил этишга нисбатан ўта қатъий ҳамда мураккаб талаблар қўйилмоқда. Чунончи, мураккаб техника билан ишлай оладиган, ишлаб чиқариш жараёнининг моҳиятини тўлақонли англаш имкониятига эга фавқулодда рўй берувчи вазиятларда ҳам юзага келган муаммоларни ижобий ҳал эта оловчи малакали мутахассисни тайёрлашга бўлган ижтимоий эҳтиёж таълим жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этишни тақазо этмоқда.

Фан, техника ва технологиянинг жадал ривожланиши шароитида ўқитиш тизимига қуидаги талаблар қўйилади:

- a) индивидуал ва мустақил ишлаш, илмий-техник ахборот билан ишлаш малакаларини ривожлантириш;
- b) оригинал ва ностандарт қарорлар, ишчанлик - қобилиятларини ривожлантириш;
- c) ўқитишни индивидуаллаштириш (ўқишига турли қобилиятга эга бўлгани учун);
- d) билим ҳаракатчанлиги, танқидий фикрлашганда мослашуванлик ва ижод, ишлаб чиқаришнинг зудлик билан ўзгарувчан шароитига мос епчилликни шакллантириш.

Педагогик технологиянинг моҳияти шундан иборатки, у биринчидан, таълим-тарбия жараёнини олдиндан лойиҳалаш ва сўнгра, синфда, аудиторияда ўқувчилар билан бирга лойиҳани қайта ишлаб чиқишини назарда тутади. Бу масалани “дидактик вазифа”, “таълим технологияси” тушунчаларини қўллаш билан ҳал этиш мумкин.

Иккинчидан, анъанавий педагогикада методик ишланмалар ўқитувчи дарс ўтиши учун тузилса, педагогик технология-ўқувчини ўқув-билиш фаолиятининг шакллари ва мазмунини тасвирлайдиган таълим жараёни лойиҳасини ишлаб чиқишини таклиф этади.

Учинчидан, педагогик технологиянинг муҳим белгиси – мақсад ҳосил қилиш жараёнидир. Анъанавий педагогикада “педагогик мақсад” масаласига назариячилар ҳам, амалиётчилар ҳам кам эътибор беради, мақсад – методик

адабиётларда ҳам ноаниқ ифодаланиб, унга эришиш даражаси ҳам субъектив баҳоланади.

Педагогик технологияда – педагогик мақсадни аниқлаш асосий муаммо бўлиб, мақсадни диагностик ифодалаш, билим ўзлаштириш сифатини объектив баҳолаш назарда тутилади.

Ниҳоят тўртинчидан, таълим – тарбия жараёнлари тузилиши ва мазмуни жиҳатидан яхлитлиги – педагогик технологияни ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг муҳим принципи ҳисобланади. Яхлитлик принципи, шунингдек, таълимнинг ҳар тури бўйича бўлажак педагогик тизимнинг лойиҳасини ишлаб чиқаётганда педагогик тизимнинг барча элементлари (чорак, семестр, ўқув йили давомида ҳам, шунингдек бутун таълим давомида ҳам) ўзаро таъсирда бўлишига эришиш зарур.

Педагогик технологиянинг мақсади – оммавий таълим шароитида таълим жараёнининг зарурий самарадорлигини таъминлаш ва талабалар томонидан ўқишининг қўзланган натижаларига еришиш кафолатидан иборатdir.

Педагогик технологиянинг бош вазифаси – оммавий таълим шароитида «оддий» педагогларга ўқитишининг етарли самарасига еришишни таъминловчи, ўқув жараёнини яратиш ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг предмети – ўқув жараёнининг ўзи ҳисобланади.

Педагогик технологиянинг обьекти – ўқув жараёнининг таркибий қисмлари ҳисобланади.

Педагогик тизимнинг бир элементи, масалан мақсади ўзгарса унинг бошқа қисмлари (мазмуни, шакллари, жараёнлар) ҳам ўзгаради.

Педагогик технология тушунчаси кенг кўламли, серқирра тушунча бўлиб, у таълим-тарбия амалиётини ривожлантириш эҳтиёжлари асосида келиб чиқсан ва ҳозирда педагогика фанида ўз ўрнига эга. Таълим фаолиятининг мазмуни, мақсад ва вазифалари даврлар ўтиши билан кенгайиб бориши натижасида унинг шакл ва усувлари ҳам такомиллашиб бормоқда. Ҳозирда инсон фаолиятининг асосий йўналишлари шу фаолиятдан қўзда тутилган мақсадларни тўлиқ амалга ошириш имкониятини берувчи яхлит тизимга, яъни технологияга айланиб бормоқда. Шу асосда таълим соҳасида сўнгги даврда педагогик технология амал қила бошлади.

Қуйида 4-расмда келтрилган қисқа таърифлар орқали педагогик технологиянинг мазмунини билиб олиш мумкин:

ПЕДАГОГИК

Баркамол инсонни шакллантириш ФАОЛИЯТИДИР

Ахборотларни ўзлаштириш, улардан амалда
фойдаланиш, улардаги янги маъноғмазмунларни хамдаахборотлар
орасидаги турлибогликликларни очиш оркали янги ахборотлар
яратишга ўргатиши ЖАРАЁНИДИР

Таълим методлари, усуллари йўллари хамда воситалар
йигиндиси бўлиб, педагогик жараён бўлиб, гашкилийғуслубий
воситалари МАЖМУИДИР

Ўз олдига таълим шаклларини оптималаштириш вазифасини
кўйувчи, бутун ўқитиш ва билимларни ўзлаштириш жараёнини техник
ресурслар ва одамларнинг ўзаро муносабатларини хисобга олган ҳолда
яратиш, кўллаш ва аниқлашнинг тизимли МЕТОДИДИР

Маълумотларни ўзлаштириш учун кулай шакл ва усуlda
узатиша ўзлаштириш ЖАРАЁНИДИР

Таълим олувчига олдиндан белгиланган максад бўйича
таъсир ўтказиш ФАОЛИЯТИДИР

Ўқувчини мустақил ўқишига, билим олишга, фикрлашга
ўргатишиникаролатлайдиган ЖАРАЁНДИР

Педагогик технология жараёнида
Таълим берувчи раҳбарлигига таълим олувчи мустақил равишида
АҲБОРОТ ОЛАДИ, ЎРГАНАДИ ВА ЎЗЛАШТИРАДИ.

4-расм. Педагогик технологиянинг мазмунини очиб берувчи таърифлар

Таълим амалиётида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таълим тизими модернизациясининг таркибий элементи ҳисобланади. Замонавий шароитда таълим-тарбия жараёнларини технологиялаштириш кам куч ва вақт сарфлаган ҳолда кутилаётган натижани қўлга киритишга имкон беради, ўқитиш сифатини яхшилаб, самарадорлигини оширади.

Педагогик технологияда ишлов бериладиган материал таълим олувчининг ақлий, рухий, ахлоқий сифатлари бўлиб, уларга таълим

берувчитомонидан маълум мақсадларга эришиш йўлида турли таъсирлар ўтказилади.

Айни вақтда Республика ижтимоий ҳаётига шиддатли тезлиқда ахборотлар оқими кириб келмоқда ва кенг кўламни қамраб олмоқда. Ахборотларни тезкор суръатда қабул қилиб олиш, уларни ташкил этиш, қайта ишлаш, назарий жиҳатдан умумлаштириш, хulosалаш ҳамда ўқувчига етказиб беришни йўлга қўйиш таълим тизими олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таълим – тарбия жараёнинг педагогик технологияни татбиқ этиш юқорида қайд этилган долзарб муаммони ижобий ҳал этишга хизмат қиласи.

Демак, илм-фан, техника, ишлаб чиқариш ва технологиянинг ривожланиши таълим тизимида ҳам туб ўзгаришлар содир бўлишига олиб келади. Таълим тизими инг модернизацияси давлат ва жамият малакали кадрларга, шахснингэса сифатли таълим олишга бўлган эҳтиёжларидан келиб чиқсан ҳолда рўй беради.

Ҳозирги пайтда кўп мамлакатлар, шу жумладан республикамиз узлуксиз таълим тизимида ҳам турлича номланган технологиялардан фойдаланилмоқда. Бу технологияларнинг барчаси маълум умумийликка эга бўлиб, улар хусусий жиҳатларига биноан таснифланиши В.С.Кукушин., Г.К.Слевко., Г.Бердиев каби кўплаб олимлар томонидан кўрсатилган бўлиб, шу билан бир вақтда ҳозирги пайтда амалиётда қуидагича номланган педагогик (таълим) технологияларидан кенг кўламда фойдаланилиб ижобий натижалар олинмоқда:

1. Индивидуал таълим технологияси
2. Жамоавий таълим технологияси.
3. Белги-контекстли таълим технологияси
4. Ишбилармонлик ёки ролли ўйин таълим технологияси.
5. Муаммоли таълим технологияси.
6. Ахборот таълим технологияси.
7. Дастурли таълим технологияси.
8. Интегратив таълим технологияси.
9. Модулли таълим технологияси.
10. Муаллифлик таълим технологиялари.
11. Ривожлантирувчи таълим технологияси.
12. Таянч схемаларидан фойдаланиб ўқитиш технологияси.
13. Масофавий таълим технологияси.
14. Етнопедагогик таълим технологияси.
15. Фаол таълим технологияси.
16. Ҳамкорлик таълим технологияси.

17. Табақалаштирилган таълим технологияси.
18. Ноанъанавий таълим технологияси.
19. Анъанавий таълим технологияси.
20. Баҳоламасдан ва йўқлама қилмасдан ўқитиш (эркин таълим)
21. Баҳоламасдан ва йўқлама қилмасдан ўқитиш технологияси.
22. Сиртқи таълим технологияси.
23. Екстернат таълим технологияси.
24. Кейс-стади технологияси
25. ЕСТС кредитлари.

Педагогик технологияларни қуидагича туркумлаштириш мумкин:

- қўлланиш даражасига кўра;
- фалсафийасосига кўра;
- етакчи омилига кўра;
- илмий концепсиясига концепциясига кўра;
- англаш фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш турига кўра ва бошқалар.

Педагогик технология, ўз тамойилларига, биноан, тегишли табиий қобилиятга ва зарурий ўқитувчилик иш тажрибасига эга бўлган етук педагоглар томонидан лойиҳаланади. Педагогик технологиянинг тамойиллари, қайта такрорланадиган ўргатувчи цикл сифатида рўёбга чиқариладиган ўқув жараёнини яратишга имкон берадилар.

Педагогик технология қуидаги асосий элементлардан иборат:

- Ўта аниқлаштирилган ўқув мақсадларини ишлаб чиқиш. Уларни ўлчаш ва баҳолаш мезонларини ўрнатиш;
- Ўқув мақсадларига эришишга йўналтирилган, ўқув жараёнини ишлаб чиқиш ва аниқ тасвирлаш;
- Бутун ўқув жараёнини, ўқитиш натижаларига кафолатли эришишга қаратиш.

Ривожланган мамлакатларда таълим технологияси борасида катта тажриба тўпланган бўлиб, айни вақтда улардан самарали фойдаланиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикасида ҳам бу борада муайян тажрибалар тўпланаётган бўлсада, бироқ бир қатор муаммолар ҳам мавжуд. Қуидаги келтирилган 5-расм орқали бундай муаммоларнинг бир нечтасини қўриб ўтишимиз мумкин:

Таълим тизимиға педагогик технологияларни самарали жорий етиш йўлидаги муаммолар

Таълим технологияси гояларинингтаъл им жараёнига тўлақонли тадбиқ этилиши учун минтақавий ички имкониятларнип ухта ўрганиш

Хусусан фанларнинг ўқитилиши жараёнига илғор технологияларни жорий этиш чораларини белгилаш зарур шарт-шароитларни яратиш

Барча турдаги таълим муассасаларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш, таълим жараёнида янги педагогик технологиялардан фойдаланиш малакаларини ошириш

Назариянинг ягона ном билан номланишига эришиш (педагоглар ўртасида муайян тушунмовчиликлар пайдо бўлганда)

Таълим субъектларининг техникавий савадхонлигига эришиш

Педагогик жараённинг демократлашув ва инсонпарварлаш увига эришиш

Ўқувчининг индивидуаллашувига алоҳида аҳамият бериш

Тезкор ахборот хизматини йўлга кўйиш

Тадқиқотлар натижаларини таҳлил этиш, умумлаштириш, таъсияларни ишлаб чиқувчи Марказ ташкил этиш

5-расм. Таълим тизимиға педагогик технологияларни самарали жорий этиш йўлидаги муаммолар

Мазкур муаммоларни ижобий ҳал этилиши таълим-тарбия жараёнларида муайян самарадорликка эришиш билан бир қаторда баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялашга имкон беради.

Сўнгги беш йилларда бир қатор етакчи ташкилотлар кўмаги ва рағбати асосида Республика нингетакчи олий ўқув юртлари қошида инновацион (педагогик технология) марказлар(и) ташкил этилди. Мазкур марказлар томонидан ташкил этилган илмий семинар, қисқа ва узоқ муддатли курсларда иштирок этган қатнашчилар, педагогик технология ва ундан таълим жараёнида фойдаланиш борасидаги назарий ва амалий билимларга эга бўлдилар.

Режалаштиришнинг анъанавий методларидан таълим технологиясига ўтиш кенг кўламдаги ишларни амалга оширишни тақозо қиласди. Жумладан, методик мажмуалар яратиш, таълим жараёнини дидактик, методик ва ташкилий жихатдан таъминлаш назарда тутилади. Модулли педагогик

технологияни ишлаб чиқиш тартиби қуидаги кетма-кетлиқдан иборат босқичларни ўз ичига олади:

Педагогик технологияни ишлаб чиқишининг аналитик босқичида, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Кадрлар тайёрлашнинг миллий модели, ўқув предметлари бўйича давлат таълим стандартлари, уларда илгари сурилган ғоялар асосида чиқариладиган хulosалар, ёш авлоднинг баркамол шахс етиб шакллантиришга йўналтирилган таълим мазмунини, шунингдек, тегишли машғулотнинг умумий, аниқ мақсадига еришиш учун таълимнинг ташкилий шаклини танлаш ҳисобга олинади.

Педагогик технологияни амалиётга тадбиқ етишнинг концептуал босқичида таълим концепциялари, таълим тизими босқичларида назарда тутилган асосий ғоялар, умумий хulosалар ҳисобга олинади. Модулнинг таркибий тузилиши умумий ўрта таълим, академик лицей, касб-хунар коллежи, бакалаврият, магистратура, умуман, социумнинг таркиби сифатида ифодаланади. Бу айниқса, босқичли таълим тизимининг алоҳида элементлари учун характерлидир.

Таълим жараёнига педагогик технологияларни қўллаш натижасида психолор олимлар томонидан исботланган ва кўриб чиқилган ўқувчиларнинг ўзлаштириш даражасини қуидаги тасвирлашимиз мумкин:



1-диаграмма. Ўқувчиларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари.

Юқоридаги диаграммадан кўриниб турибдики, биз маъруза эшитар эканмиз унинг 5 фоизини, ўқиган материалларимизнинг 10 фоизини, видео, расм, кўргазмаларни кўрганимизда уларнинг 20 фоизини, тажриба намойиш қилинганида кўрган ва эшитганларимизнинг 30 фоизини, мунозарага киришсак, бирга муҳокама қилганимизнинг 40 фоизини, машқ ечар эканмиз, ўқиган, ёзган, гапирганларимизнинг 50 фоизини эслаб қолар эканмз. Ишбилармон ўйин, лойиха методи, мустақил ўқиганларимиз, таҳлил қилганларимизни муҳокама қилиш самарали усул экан. Бунинг натижасида талабаларнинг онгида маълумотлрнинг 75 фоизи сақланиб қолар экан. Ўқув-амалий машғулотлар жараёнида талабаларнинг бир-бирларига ўргатишлари ундан ҳам самаралироқ ҳисобланади. Ушбу жараёнда маълумотларнинг 90 фоизи ўзлаштирилади.

Сўнги йилларда фаол ўқитиши усулларидан бири бўлган педагогик ўйинлар кенг тарғибот қилиниб қўлланилмоқда. Педагогик ўйинлар ҳам бошқа фаол усуллар каби, талабаларни ўз қасбига қизиқтирувчи, билим доираларини кенгайтирувчи, уларда ҳозиржавоблик хусусиятларини тарбияловчи, фаоллаштирувчи ва уларнинг мустақил фикрлаш қобилиятини ривожлантирувчи каби дидактик функцияларни бажаради. Тажрибаларда таъкидланганидек, агар машғулот одатдаги – фақат тинглаб ўтиришга асосланган усулда ўтказилганда, талабалар ахборотнинг кўпи билан 20 фоизгачасиини ўзлаштирган бўлса, педагогик ўйинлардан фойдаланилганда эса, бу кўрсаткич 80-90 фоизгача ошганлиги тасдиқланган.

Ўқув жараёнида таълим олувчилар ва педагоглар ўртасида ўзига хос муносабатлар ўрнатилиб бу жараён икки томоннинг биргаликдаги фаолияти натижасида боради. Шунинг учун ҳам таълим жараёни икки томонлама характерга ега дейилади. Педагоглар ва талабаларнинг фаоллик даражаси таълим жараёнининг самарасини белгилайди. Албатта бу жараёнда педагог ўйналтирувчи сифатида майдонга чиқади. Педагог аниқ мақсадни кўзлаб режа ва дастур асосида билим, кўнирма ва малакаларни шакллантиради. Талабалар эса уларни фаол ўзлаштириб олишлари керак. Таълим жараёнида педагог ўргатиш, билим, малака, кўнирма ҳосил қилиш вазифасини бажарса, талабалар ўзлаштириш жараёнини ўз бошидан кечирадилар. Бу мураккаб психик жараён бўлиб, сезги, идрок, тасаввур, тафаккур кабилар иштирокида боради. Ўқиш талабаларнинг ўзлаштириш, билиш қобилияtlари, фикрлаш операциялари ва ҳаракатларини ҳосил қилиш жараёнидир. Бу пассив томошибинлик жараёни эмас, балки талабага номаълум бўлган ҳақиқатларни очиб берадиган фаол, ижодий фаолият жараёнидир.

Таълимнинг асосий вазифаларидан бири инсоният ҳозиргача еришган илмий билимлар ва фан техниканинг ютуқлари билан ёш авлодни

куроллантиришдир. Ёш авлодда шундай билимлар тизимини яратиш лозимки, бу билимлар уларнинг кейинги ривожи учун асос бўлиб хизмат қилсин. Ҳозирги кунда билимлар ҳажми, ахборотлар ҳажми тобора ошиб бораётган бир даврда таълим тизими талабаларга беришили керак бўлган билимлар, малака ва қўникмалар ҳажмини белгилаш ҳамда бу жараёнда қайси омилларни ҳисобга олиш керак деган масалаларни ечимини топиш устида бош қотирмоқда. Зарурий билимлар ҳажмини белгилаш ва шу билан бир қаторда ўқиши муддатини аниқлаш енг муҳим масалалардан бири. Таълим жараёнида бирор фан соҳасидаги инсоният томонидан еришилган ҳамма нарсаларни ўрганиш керак деб ўйлаш мутлақо нотўғри бўлар еди. Ўқув жараёнида енг асосий, енг муҳим билимлар- фанларнинг асослари ўрганилади. Аммо шунга қарамай ҳозирда ўрганиш зарур бўлган янги-янги фанларнинг тармоқлари (екология, ЕҲМ, оила психологияси, иқтисод асослари, маънавият асослари) вужудга келмоқдаки улар таълим ҳажмини бениҳоя кенгайишига сабаб бўлмоқда. Бундай муаммолар ҳозирда деярли барча давлатларда мавжуд ва ҳар бир давлат бу муаммоларни ўз имкониятларидан келиб чиқган ҳолда ҳал етишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу муаммоларни таълим тамойилларини (принципларини) бузмаган ҳолда, ёш авлоднинг соғлигига зиён йетказмаган ҳолда йечимини топишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Таълимнинг асосий мақсади - замонавий илмий билимларни егаллаган, мустақил фикрлаш ва муаммоларни ечиш имкониятига ега бўлган маънавий жиҳатдан бой шахсларни шакллантиришдир. Жамият ривожланар экан, ҳаётий талабларнинг даражаси ҳам ортиб боради. Демак, илмий билимларнинг ҳажми кенгайиб, илмийлик даражаси чуқурлашиб борар экан, мантиқий фикрлаш ва муаммоларни тезда ҳал етишга бўлган талаб янада кучайиб боради. Бу фикрдан келиб чиқсан ҳолда таълим тизими бугунги кун талабинигина ҳисобга олган ҳолда эмас, балки келажак талабларини аниқлаган ва ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориши керак деган хulosага келамиз. Чунки, бугунги кун талаблари келажакда жамиятнинг асосий ўзагига айланади. Демак, таълим тизими талабаларни бугунги кундаги ҳаётга эмас, балки келажакдаги ҳаётга тайёрлаши лозим. Бу ҳам таълимнинг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

2.2 Замонавий педагогик технологиялар ва ҳозирги замон анъанавий таълими

Миллий мустақиллик қўлга киритилиши билан истиқбол ўйларимиз, миллий ғоя ва мафкурамиз аниқ қилиб белгилаб олинди. Биз ўз таълимий – тарбиявиймақсадимиз ва вазифаларимиз, уни амалга ошириш дастурларимизни белгилаб олдик. Биринчи Президентимизнинг маънавий мафкуравий, баркамол авлодни вояга етказиш борасида бир қатор асарларида ушбу йўналишдаги давлат сиёсати устивор масала эканлиги бир неча бор таъкидлаб ўтилади. Бобокалонларимизнинг азалий орзулари, миллий ва умумбашарий қадриятлари, маънавий ёдгорликлар замонавий педагогиканинг мақсади ва вазифаларини шаклланишига асос бўлмоқда. Давлатимиз томонидан қабул қилинадиган “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”да ушбу мақсад ёритиб берилган. Зеро, замонавий педагогиканинг бош мақсади ҳам етук, юксак малакали, маънавиятли, маърифатли, мустақил фикр юрита олувчи, рақобатбардош кадрларни тайёрлашдан иборатdir.

Педагогика фани ва амалиётида турли ёндашувлар қўлланилади. Булардан бири анъанавий ёндашув.

Анъанавий ёндашув. Унинг асосий хусусияти – ўқитувчи маълум ахборотни гапириб беради, тушунтиради, талаба эса бу блимни хотирасида сақлайди. “Билим” тушунчаси хотирада сақланадиган ахборот маъносида тушунилади. Талабада билим бор-йўқлиги имтиҳонда шу ахборотга доир берилган саволга ёддан берган жавобига қараб аниқланади. Бунда билим дегани асосан эсда қолдиришнинг натижасидир, у кўпинча юзаки бўлши ҳам мумкин. Бундай билим хотирада узоқ сақланмайди. Талаба савол берилганда эслали баъзан эслай олмаслиги ҳам мумкин.

Анъанавий ўқитиши усулида таълим мақсади дастур талабига биноан аниқ ифодаланмайди, талабанинг ўзлаштириш даражаси, сифати ҳақида муаллим аниқ тасаввурга эга бўлмайди.

Анъанавий таълим мамлакатимизнинг ўқув юртларида кенг тарқалган, унинг турли жиҳатлари педагогика, методика фанларида ишлаб чиқилган, катта тажриба тўпланган. Анъанавий таълим усулини такомиллаштириш соҳасида изланишлар давом этмоқда. Лекин унинг объектив имкониятлари чекланган. Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим соҳасидаги ислоҳотлар, тез суръатлар билан ривожланаётган фан-техника талаблари – таълим усули билан жамитяning рақобатбардош, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, баркамол авлодни шакллантиришга бўлган эҳтиёжи ўртасида номутаносибликни вужудга келтирди. Уни таълимда бошқа янги ёндашувларни қўллаш йўли билан ҳал этиш лозим.

Анъанавий таълим бир қатор салбий томонлари мавжуд. Баъзан ёш ўқитувчилар ва амалиётга чиқкан талабалар фаолиятида дарсни режалаштириш соҳасида хатоларга йўл қуйилганлигининг гувоҳи бўламиз. Ёш ўқитувчилар ва талабалар фаолиятида йўл қўйилаётган хатоларни қуидаги гурухларга бўлиш мумкин:

1. Мақсадда аниқликнинг йўқлиги. Яъни талабалар аслида нима қилишлари ва нимани ўрганишлари аниқ белгиланмайди.
2. Таълим мақсадининг талаблари дарснинг натижаси билан тўғри келмаган ҳоллар бўлади.
3. Ўрганиш учун тавсия қилинган материаллар дарснинг мақсадига тўғри келмайди.
4. Ўқитувчи бераётган йўлланмалар талабанинг дарсда билимларни самарали ўрганишини таъминламайди.
5. Дарс режасида кўрсатилган талаблар дарс мақсадини амалга оширишнинг самарали воситаси бўла олмайди.

Умуман тузилган режалар қайта кўриб чиқилиши ва хатоларни бартараф этишуст�다 ишланиши лозим.

Дарс режаси сизни ва сизнинг талабларингизни маълум натижаларга эришишига асос бўлиши лозим. Дарсни шундай режалаштириш лозимки уни бошқача йўл билан амалга оширишга ўрин қолмасин. Ўқитувчи маҳорати дарсни аниқ режалаштиришда ўз аксини топади. Дарсни шундай режалаштириш лозимки, унда нима қилиниши мўлжалланаётганлигини аниқ ўз аксини топсин ва бошқача режа тузиш мумкинлигига ўрин қолмасин.

Анъанавий ўқитиш асосан билим, кўнирма ва малакаларни ўзлаштиришга қаратилган бўлиб, шахснинг ривожланишини кўзда тутмайди.

Анъанавий ўқитиш асосини, Й.А.Коменский томонидан тузилган педагогика тамойиллари ташкил этади:

- ✓ илмийлик;
- ✓ табиатга монандлик (ўқитиш ривожланиш билан белгиланади ва шаклланмайди);
- ✓ узвийлик ва тизимлилик;
- ✓ ўзлаштирувчанлик (маълумдан номаълумга, соддадан мураккабга);
- ✓ мустаҳкамлаш (такрорлаш, такрорлаш ...)
- ✓ онглилик ва фаоллик;
- ✓ назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги;
- ✓ ёши ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олиш.

Анъанавий ўқитиш қуидаги хусусиятларга эга:

- + зўравонлик педагогикаси;

-  ўқитишининг тушунтирув – кўргазмали усули;
-  оммавий ўқитиш.

Анъанавий ўқитишда авторитарлик қуидаги шаклда намоён бўлади: ўқувчи бу ҳали тўла шаклланмаган шахс, у фақат бажариши зарур, педагог эса – бусардор ҳакам, ягона ташаббускор шахс.

Мумтоз анъанавий «синф-дарс» тизими - бу баён этишнинг маъruzавий усули ва китоб билан мустақил ишлашни ўз ичига олади (дидахография).

Замонавий анъанавий ўқитишэса, ўқитишининг техник воситаларини кўллаб, дидахографиядан фойдаланишдан иборат бўлади. Шахсга йўналтирилган технологияларда, ўқувчи шахси педагогик жараён марказига қўйилади, унинг ривожланишига ва табиий имкониятларини рўёбга чиқаришга қулай шарт – шароитлар яратилади.

Кўзланган мақсадга эришиш учун узлуксиз таълим тизими тубдан ислоҳ қилинмоқда. Таълим жараёнига табақалаштирилган ёндашув, ўқувчиларни турли касб-хунар коллежлари, академик лицейларда тахсил олишларини таъминлаш замонавий педагогика фани олдига юксак вазифаларни қўйимоқда. Масалан, ушбу ўкув муассасалари учун давлат таълим стандартига мувофиқ келувчи ўкув дастурларини ва дарсликлар, ўкув кўлланмаларини яратиш бугунги қун талабларига жавоб бермоғи лозим. Ҳар бири турли вариантларда бўлсагина, мақсадга тўғри хизмат қила олади.

Ўкув – тарбия жараёнларини ташкил этишда ҳам анъанавий усуллардан фарқли ўлароқ, янгича педагогик ёндашувларни ўзлаштириш ва таълим жараёнида қўллаш замон талабидир. Миллий дастурда бу масалага алоҳида эътибор берилган.

Илгаридан лойиҳалаштирилган таълим – тарбия жараёнининг педагогик технологияси ўзида метод ва усуллар тизимини, таълимнинг методик усулларини, ўқитувчи ва ўкувчиларнинг биргаликда фаолият кўрсатиш имкониятлари ва воситаларини, ўкувчиларнинг ижобий шахсий сифатларини ривожлантириш мақсадини, якуний натижаларга эришишни кафолатлади.

Янги педагогик технологияларни тузишда анъанавий таълим ва тарбия метод ва усулларидан қандай фойдаланиш мумкин. Биринчи Президентимиз Ислом Каримовнинг “Янги уйни қурмасдан ескисини бузмайлик” ибораси таълим тизимига ҳам бевосита тааллуқлидир. Ўкувчилар билан анъанавий ўқитиш усулида бевосита алоқа, оғзаки сўров, ёзма ишлар олиш, иншо олиш, мустақил ишлар, расм чизиш, чизмачилик, амалий ишларни қоғоз, ёғоч, юнг, металл, пластмасса материалларидан тайёрлаш, шеър, монологларни оғзаки баён этиш ва бошқаларни албатта, таълим технологияси метод ва усуллари билан қўшиб фойдаланамиз. Чунки ҳар қандай интерфаол усулини олиб

қарасак, (“Мунозара”, “Кластер”, “Ажурли appa” ёки “Кичик гурухлар”да ишлаш), ҳаммаси анъанавий таълим метод ва усулларини кўллашни талаб этади. Бу фикримизнинг исботини битириув малакавий ишимизнинг учинчи бобида кўришимиз мумкин.

Ҳозиргача ўқитувчи – педагогларимиз томонидан фойдаланиб келинган ва ҳозир ҳам дарсда фойдаланишга аксарият ўқитувчилар кўллаётган анъанавий метод ва усуллар ҳақида қисман тўхталамиз:

Ўқув жараёнининг сифати кўп омилларга боғлик бўлиб, улар орасида ўқитишининг усул ва методлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Метод ва усуллар ўқувчилар томонидан билимларни онгли ва чуқур ўзлаштиришига, уларда мустақиллик ва ижодий фаолликнинг ривожланишига ёрдам беради. Ўқитиши метод ва усулларини танлашда ўқитиладиган фаннинг характеристи, болалар ва талабаларнинг ёшлик хусусиятлари, тайёргарлик даражаси ва бошқалар ҳисобга олинади.

Таълим методлари ва усулларини танлаш ўқитувчи томонидан дарсда ҳал қилиниши мўлжалланган масалага боғлик бўлади. Яъни янги материални баён этишда бир хил метод ва усул қўлланилса, уни мустаҳкамлашда бошқа хил усул, мавзуни умумлаштиришда яна бошқа хил методлар қўлланилади. Дарснинг турли босқичларида пухта ўйланган ва самарали усуллар ва методларни танлаш жуда муҳимдир.

Анъанавий ўқитиши методларини билиш манбаълари бўйича қўйидаги уч гурухга бўлинади:

Оғзаки методлар

- билимларни сўз билан баён қилиш
- сухбат
- дарслик маълумотнома ва илмий адабиётлар билан ишлаш

Кўрсатмали методлар

- расмлар
- намойишлар
- кузатишлар

Амалий методлар

- машқлар
- лабараториядаги, мактаб тажриба ер участкасидаги амалий ишлар

Ҳар бир ўқитиши методининг ўз вазифаси бор. Ўқитиши методларининг рағбатлантирувчи (мотивлашган), таълимий, тарбиявий ва камол топтирувчи умумпедагогик вазифаларни бажаради.

Биз ўқитиши методларини санаш орқали ўқитиши методларидан *Янги билимлар берииш методи* ҳақида тўхталимоқдамиз. Бу метод ўз вазифасига кўра тушунтириш, ҳикоя, мактаб маъruzasi каби методлар ийғиндисидир. Қуйида шу методларнинг ҳар бирини алоҳида кўриб чиқамиз.

Тушунтириши айрим тушунчалар, воқеалар, ҳаракат принципларини оғзаки талқин этишдир. Бу методни қўллаш учун аввало ўқитувчи янги материални ўтишда ўқитадиган ўқув предметининг илмий мазмунини чуқур билиши, дарс учун зарур материални танлай олиши ва тушунтиришнинг самарадорлигини белгилаши керак. Дарсни қизиқарли, мазмунли бўлишини, ўқувчи ва талабаларнинг психолого-педагогик ёш хусусиятларини яхши билиши, тушунтиришда диққатини жалб ета олиши, ўқитувчининг нутқи ёрқин, тушунарли бўлиши зарур.

Оғзаки баён қилиш методининг кейинги усули бу ҳикоядир. Ҳикоя – хабар шаклидаги янги материални ёритиш усули бўлиб, ундан ҳамма синфларда фойдаланса бўлади. Ҳикоя методини қўллашда унинг ғоявий йўналишини таъминлаш, етарли миқдордаги ёрқин ва ишонарли мисоллар, далиллар, тўғри, текширилган маълумотлар бериш, асосий фикр ва муҳим жиҳатлар баён қилиниши, ҳикоя тушунарли, содда тилда айтилиши, ўқув материали ёрқин ифодаланиши керак.

Мактаб маъruzalariдан асосан юқори синфларда фойдаланилади. Чунки улар ҳикояга нисбатан узоқроқ давом этади. Маъруза – билимни сўз билан ифодалаш услубларидан бири сифатида бериладиган билимларни оғзаки баён қилишни кўзда тутиб, ўз ҳажмининг катталиги, мантиқан қурилиши, образли исботлаш ва умумлаштиришнинг мураккаблиги билан ҳикоядан ажралиб туради.

Маъруза давомида бериладиган билимни оғзаки баён қилиш, узоқ вақт давомида ўқувчи – талабаларнинг диққатини тутиб туриш ҳамда уларнинг фикрлашини фаоллаштириш, далиллаш, исботлаш, таснифлаш, таърифлар бериш, тизимга келтириш, умумлаштириш каби педагогик усуллардан фойдаланилади. Маъruzalарга асосан талаба ва коллеж, академик лицей ўқувчилари жалб қилинади. Умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчиларини олий ўқув юртига ўқишига тайёрлаш мақсадида айрим фанлардан маъruzalар ташкил қилинади. Маъруза режасини аниқ ўйлаб, уни технологиялаштириш зарур. Режа бандларининг барчасида, уларнинг ҳар бирининг мақсад, якун ва хуносаларини изчил баён қилишда мантиқий уйғунлик бўлмоғи керак. Маъруза шундай суръатда ўқиладики, талаба,

ўқувчи маърузанинг муҳим жойларини ёзаолсинлар. Шунинг учун ҳам ўқитувчи маърузанинг ёзиб олинадиган жойларини аниқ ажратиши, зарур бўлса ёзиб олишларини енгиллаштириш учун тақрорлаши лозим. Маъруза зерикарли бўлмаслиги учун талабаларнинг фикрини фаоллаштириш мақсадида маъруза давомида муаммоли вазиятларни шакллантириш яхши педагогик самара беради.

Суҳбат таълимнинг кенг тарқалган усули бўлиб, дарснинг исталган босқичида қўлланиши мумкин. Суҳбатнинг бир неча хили мавжуд бўлиб, улар янги билимлар беришда, билимларни мустаҳкамлашда, олинган билимларни текширишда, ўтилган материални тақрорлашда қўлланилиши мумкин.

Суҳбат услуби атрофлича ўйланган саволлар ёрдамида ўқитувчи билан талабалар орасидаги суҳбатни кўзда тутиб, у ўқувчи ёки талабанинг фикрлаш тизимини, янги тушунчалар ва қонуниятларни ўзлаштиришга олиб келади.

Суҳбат услубини қўллаганда саволларни қўйиш (йўналтирувчи, қўшимча, асосий ва х.к.з) талабаларнинг жавоб ва мулоҳазаларини муҳокама қилиш, суҳбатдан чиқсан хulosаларни муҳокама қилиб, жавобларни тузатиш усулларидан фойдаланилади. Ўқитувчи мавзуни муҳокама қилиш учун имкон берувчи ёрдамчи, йўналтирувчи саволлардан фойдаланиши мумкин. Шундай суҳбатлар ташкил қилиш мумкинки, талабалар илгари ўзлаштирган билимларини эслайдилар, уларни тартибга соладилар, умумлаштирадилар, хулоса чиқарадилар. Бундай суҳбатлар асосан тушунтириш характеристига эга бўлиб, олдин ўзлаштирган билимларга суюнади. Талабалар хотирасини фаоллаштиришни назарда тутади.

Суҳбат услубига таркибий қисм бўлиб киравчи усуллардан фойдаланишда ўқитувчининг педагогик назокати етакчи ўрин эгаллайди.

Айниқса, янги билимлар беришда эвристик суҳбатдан фойдаланиш талабаларни оғзаки саволлар орқали мавзуни муҳокама қилиш учун қўлланилади. Бундай суҳбат давомида саволлар қиска ва аниқ бўлиши, талабанинг фикрини уйғотиши, ўйлашга, таҳлил қилишга, таққослашга мажбур этиши, янги ҳодисаларни онгли равишда тушунишга ундаши керак.

Таълимнинг **кўргазмали методини** шартли равиша икки гурухга бўлиш мумкин:

- кўргазмали усул;
- намойиш этиш усули.

Кўргазмали усул талабаларга намойиш этиладиган қўлланмалар – харита, плакат, доскадаги чизма ва расмлар, буюк мутафаккирларнинг сурати ва бошқаларни кўзда тутади.

Намойиш қилиши услугига одатда, тажриба асбоблари, тажрибаларнинг ўзи, шунингдек, диафилм, кинофильм кўрсатишларни ҳам киритиш мумкин. Бу услугни қўллашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади. Намойиш этишини қўллашда кўринишни тўлиқ таъминлаш, кўрилган воқеа ва ходисаларни, натижаларни муҳокама қилиш зарур.

Кейинги йилларда педагогика амалиётида кўргазмали усул бир қатор янги воситалар билан бойиди.

Дарсда ўкув кинофильмларини қўллаш таълим амалиётида одатдаги ходиса бўлиб қолди. Асосий ўкув кинофильмларининг рўйхати, ҳар бир фаннинг ўкув дастурига киритилган. Умумтаълим мактаби, касб – хунар коллежи ва лицей, ҳатто олий ўкув юртлари учун ҳамма фанларга тааллукли бўлган кўплаб кинофильмлар яратилди.

Таълимнинг кўргазмали услубларидан фойдаланишнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар сўз билан ифодалаш услуби билан у ёки бу даражада уйғунлашиб кэтади.

Ўқитишининг **амалий методларига** машқлар, лабаратория ишлари, мактаб тажриба участкасидаги ишлар киради.

Машқлар деганда талаба ва ўқувчилар билимини мустаҳкамлаш ҳамда амалий фаолиятда уларни қўлланиш малакаларини ҳосил қилиш учун топшириқларни кўп марта бажариши тушунилади. Ҳар бир машқни бажариш характеристига кўра оғзаки, ёзма, график ва ўқув-мехнат машқларига ажратиш мумкин.

Амалий кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга мўлжалланган ўқув машқларини ўтказишдан олдин улар машқ ўтказилиши лозим бўлган мавзу ҳақида тўлиқ билимга эга бўлишлари керак.

Ўқитишининг амалий методларининг яна бир муҳим тури – лабаратория ишларидир. Лабаратория иши деб, шундай машғулот турига айтиладики, бунда ўқувчи, талаба ўқитувчи раҳбарлигига ёки мустақил равишда маҳсус асбоб – ускуналарда турли тажрибалар, кузатишлар ва ўлчашлар ўтказадилар. Бундай машғулотлар табииёт, умумтехникавий фанларни ва маҳсус технологияни ўрганишда қўлланилади. Лабаратория ишлари маҳсус жиҳозланган кабинетларда, лабараторияларда, зарур асбоб-ускуналарга эга бўлган шароитда ўтказилиши мумкин.

Лабаратория ишларини бажариш вақтида талabalар ўрганилаётган объектни кузатадилар, уларни миқдорий ва сифат характеристикаларини аникладилар. Лабаратория ишлари назарий билимларни мустаҳкамлаш учун хизмат қиласи.

Албатта, илғор педагогик технологиялар бизнинг фанимизга эндиғина кириб келмоқда. Аслида эса таълимга технологик ёндашув масаласи

ривожланган демократик хорижий давлатлард бундан 30 йиллар муқаддам пайдо бўлган ва улар бу соҳада катта ютуқларни қўлга киритган.

Бугунги кунда биз педагогика соҳасидаги илгор технологияларни кенгроқ ва чуқурроқ ўзлаштиришимиз, уларни ўз минтақамизга мос ҳолда қайта ишлаб чиқишимиз керак бўлади. Педагогик технология тушунчасига ҳозирги кунда турлича таърифлар берилмоқда. Мухими шуки, педагогик технология кўзлаган мақсадга кафолатланган натижа сифатида эришишни ифодаловчи жараёндир.

Анъанавий таълим

Афзалликлари

маълум кўникмаларга эга бўлган ва аниқ маълум тушунчаларни, фанни ўрганишда фойдали;

маърузачи томонидан ўқитиш жараёнини ва ўқитиш муҳитини юқори даражада назорат қилиниши;

вақтдан унумли фойдаланиш;

аниқ илмий билимларга таянади.

Камчиликлари

tinglovchilar nofaol iştirokchi bўlib қоладилар;

маъруzachining тўла назорати барча tinglovchilar учун мотивастияни вужудга келтирмайди;

tinglovchilar maъruzachi bilan бевосита мулоқотга кириша олмайди;

эслаб қолиш даражаси ҳамма tinglovchilarда бир-хил бўлмаганлиги сабабли, гурӯҳ бўйича ўзлаштириш даражаси паст бўлиб қолиши мумкин;

мустакил ўрганиш ва ечимлар қабўл қилиш учун шароитлар яратилмайди.

7-расм. Анъанавий таълимнинг афзалликлари ва камчиликлари.

**Замонавий (ноаъанавий) таълимнинг афзаликлари ва
камчиликлари.**

Замонавий (ноаъанавий) таълим	
Афзаликлари	Камчиликлари
<ul style="list-style-type: none"> ➤ ўқитиш мазмунини яхши ўзлаштиришга олиб келиши; ➤ ўз вақтида қайтар алоқаларнинг таъминланиши; ➤ тушунчаларни амалиётда қўллаш учун шароитлар яратилиши; ➤ ўқитиш усулларининг турли хил кўринишлари таклиф этилиши; ➤ мотивастиянинг юқори даражада бўлиши; ➤ ўтилган материалнинг яхши эслаб қолиниши; ➤ мулоқотга киришиш қўникмасининг такомиллашиши; ➤ ўз-ўзини баҳолашнинг ўсиши; ➤ тингловчиларнинг фанга оид мавзу мазмунига, ўқитиш жараёнига бўлган ижобий муносабати; ➤ мустақил фикрлай оладиган тингловчининг шаклланишига ёрдам бериши; ➤ нафақат мазмунини ўзлаштиришга ёрдам бермай, балки танқидий ва мантиқий фикрлашни ҳам ривожлантириши; ➤ муаммолар ечиш қўникмаларининг шаклланиши. 	<ul style="list-style-type: none"> ➤ кўп вақт талаб этилиши; ➤ тингловчиларни ҳар доим ҳам кераклича назорат қилиш имкониятининг пастлиги; ➤ жуда мураккаб мазмундаги материал ўрганилаётганда ҳам маърузачи ролининг паст бўлиши; ➤ маърузачининг ўзи ҳам яхши ривожланган фикрлаш қобилиятига ва муаммолар ечиш кўникмаларига эга бўлишининг талаб этилиши.

Умуман олганда таълим жараёнини бир тизим деб қарайдиган бўлсак, қуйидаги 8-расм орқали уни ташкил этувчиларни, яъни элементларини кўришимиз мумкин:



8-расм. Таълим жараёнининг элементлари

Таълим жараёнини лойиҳалаштиришда юқорида санаб ўтилган элементлардан бирортаси эътибордан четда қолса ёки нотўғри танланган бўлса тизим ишламайди, демакки, таълим жараёни олдига қўйилган мақсадга эришилмайди.

ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ТУРЛАРИ Шахсга йўналтирилган ўқитиши технологияларининг долзарблиги

Ўзбекистон Республикаси инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилишни, жамиятнинг маънавий янгилашини ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришни, жаҳон ҳамжамиятига қўшилишни

таъминлайдиган демократик хуқуқий давлат ва очик фуқаролик жамияти курмоқда.

Замонавий бозор иқтисодининг шаклланиши корхоналар орасидаги рақобат асосида, халқ хўжалигини барча тармоқларнинг кескин ривожланишини тақозо этади. Чунки бозор иқтисодиётини рақобатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Корхоналар орасидаги рақобат ўз навбатида, фан - техника ва технологияни, яъни илмий техника тараққиётининг (ИТТ) жадаллашувига олиб келади.

ИТТ нинг жадаллашви, ҳаётнинг барча соҳаларида тубдан ислоҳ қилиниши натижасида жаҳон ҳамжамиятига қўшилиш имкониятини беради.

Бу ерда ҳам биринчи қаторда қўйилган масалаларни ҳал қила оладиган кадрларни тайёрлаш муаммоси келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам Республикаизда “Таълим тўғрисида” ги ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” қонунлари қабул қилинди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг мақсади- таълим соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, уни ўтмишдан қолган мафкуравий қарашлар ва сарқитлардан тўла халос этиш, ривожланган демократик давлатлар даражасида, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлаш Миллий тизимини яратишдир¹⁶.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари, бу касбий таълимнинг ҳозирги куни ва унинг келажагидир.

Авторитар ва шахсга йўналтирилган ўқитиш технологияларининг моҳияти

Ўқитиш жараёнида, педагог технологиялар талаблари асосида ифода этилган ўқув мақсадларига еришилади. Илмий-техника тараққиёт жадаллашган даврда ўқитиш самарадорлиги, асосан, тингловчининг ўқитиш жараёнидаги ўрни, педагогнинг унга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Бу ерда ўқитиш технологиясининг икки турини ажратиб кўрсатиш мумкин: авторитар ва шахсга йўналтирилган.

Авторитар технологияда, педагог ягона субъект сифатида намоён бўлади, талаблар эса фақатгина «объект» вазифасини бажаради, холос. Бунда таҳсил олувчининг ташаббуси ва мустақиллиги йўқолади, ўқитиш мажбурий йўсинда амалга оширилади. Одатдаги анъанавий ўқитиш, авторитар технологияга тааллуклидир. Бунда, аввало А.Коменский томонидан ифода этилган, дидактика принципларига асосланган ўқитишнинг гурух –

¹⁶Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури

дарс тизимида ташкил этиш назарда тутилади. Ҳанузгача дунёда енг кўп тарқалган ўқитишнинг гуруҳ-дарс тизими, қуидаги хусусиятлари билан ажралиб туради:

- + ёши ва тайёргарлик даражаси тахминан бир хил бўлган талаблар асосида гуруҳни (гуруҳни) ташкил этади;
- + гуруҳ (гуруҳ, оқим) ягона ўқув режа, ягона ўқув дастурлар ва ягона машғулотлар жадвали билан шуғулланади;
- + машғулотларнинг асосий бирлиги дарс бўлиб, у битта фанга, битта мавзуга бағишлиданади ва маъruzachi томонидан бошқарилади;
- + ўқув китоблари асосан уй ишлари учун қўлланилади.

Бугунги кунда педагогик жараён шахсга йўналтирилган технологиялари асосида амалга оширилиши лозим.

Ўқитишнинг шахсга йўналтирилган технологияларига қуидаги асосий принциплар хос бўлади:

- *инсонпарварлик*, яъни инсонга ҳар томонлама ҳурмат ва муҳаббат кўрсатиш, унга ёрдамлашиш, унинг ижодий қобилиятига ишонч билан қараш, зўравонликдан тўла воз кечиш;
- *ҳамкорлик*, яъни педагог ва тингловчилар муносабатидаги демократизм, тенглик, шериклик;
- *эркин тарбиялаш*, яъни шахсга унинг ҳаёт фаолиятини кенг ёки тор доирасида танлаб олиш эркинлиги ва мустақилликни бериш, натижаларни ташқи таъсирдан эмас, ички ҳиссиётлардан келтириб чиқариш.

Шахсга йўналтирилган технологияларнинг коммуникатив асоси – педагогик жараёнда тингловчига инсоний-шахсий ёндашув ҳисобланади.

Шахсга янгича қараш қуидагилардан иборат бўлади:

- педагогик жараёнда шахс обьект эмас, субъект ҳисобланади;
- ҳар бир тингловчи қобилият эгаси, кўпчилиги эса истеъдод эгаси ҳисобланади;
- юқориетук қадриятлар (саҳиийлик, муҳаббат, меҳнацеварлик, виждон ва бошқалар) шахснинг устувор хислатлари ҳисобланади.

Муносабатларни демократлаштириш қуидагиларни ўз ичига олади:

- ✓ тингловчи ва педагог хуқуқларини тенглаштириш;
- ✓ тингловчининг эркин танлаб олиш хуқуки;
- ✓ хатога йўл қўйиш хуқуки;
- ✓ ўз нуқтаи назарига эга бўлиш хуқуки;
- ✓ педагог ва таҳсил олувчи муносабатинингасоси: таъқиқламаслик; бошқариш эмас, биргаликда бошқариш; мажбурлаш эмас,

ишонтириш; буюриш эмас, ташкил этиш; чэгаралаш эмас, эркин танлаб олишга имкон бериш.

Янги муносабатларнинг асосий мазмуни, ҳозирги замон шароитида самарали натижа бермайдиган ва ғайри инсоний ҳисобланадиган мажбурлаш педагогикасидан воз кечишидир. Умуман олганда тарбия жараёнида мажбурашдан воз кечиш мумкин эмас, аммо жазолаш инсонни камситади, эзади, ривожланишини сусайтиради, унда сўзсиз итоаткорлик хусусиятларини шакллантиради.

Эркин ўқитиши қуидагилар билан белгиланади:

- ишончга асосланган эркин талабчанлик;
- ўқув материалига қизиқиши уйғотиши, билишга ва фаол ижодий фикрлашга рағбатлантириш;
- тингловчиларнинг мустақиллиги ва ташаббусига таяниш;
- жамоа орқали билвосита усуллар билан талабларни амалга оширишни таъминлаш.

Янги индивидуал ёндашувнинг моҳияти шундаки, у таълим тизимида ўқув фанидан тингловчига эмас, тингловчидан ўқув фани томонга ҳаракатланишини тақозо этади, тингловчиларнинг мавжуд имкониятларини инобатга олиб, уларни ривожланишириш, такомиллаштириш ва бойитишига қаратилган бўлади.

Индивидуал ёндашувнинг замонавий янги талқини қуидагилардан иборат:

- ўртача тингловчига йўналтиришдан воз кечиш;
- шахснинг яхши хислатларини излаш;
- шахс ривожланишининг индивидуал дастурларини тузиш.

Шахсий ёндашишда биринчи навбатда қуидагилар зарур бўлади:

- ❖ ҳар бир тингловчи қиёфасида ноёб шахсни кўриш, уни ҳурмат қилиш, тушуниш, қабул қилиш, унга ишониш. Педагогда барча тингловчилар истеъододли деган ишонч бўлиши керак.
- ❖ шахсга ютуқни маъқулловчи, қўллаб - қувватловчи, хайриҳоҳ вазиятлар яратиш, яъни ўқиши қоникиши ва хурсандчиликни олиб келиши керак;
- ❖ бевосита мажбурашга йўл қўймаслик, қолоқликка ва бошқа камчиликларга ургу бермаслик, унинг нафсониятига тегмаслик;
- ❖ педагогик жараёнда, тингловчиларга ўзқобилиятларини рўёбга чиқаришга имконият яратиш ва кўмаклашиш.

Олий, ўрта маҳсус ва касб-хунар таълими тизими учун ўқитишининг шахсга йўналтирилган технологияларига қуидагиларни киритиш мумкин:

- ♦ ишбилармонлик ўйинлари;

- ♦ муаммоли ўқитиш; табақалаштирилган ўқитиш;
- ♦ дастурлаштирилган ўқитиш; компьютерлаштирилган ўқитиш;
- ♦ модулли ўқитиш.

Шахсга йўналтирилган ўқитиш технологиялари илмий-техникавий тараққиёт жадаллаштирилган даврда ривожланган давлатларда шакллантирилганлигини инобатга олган ҳолда улар чукур илдизларга эгаэканлигини таъкидлаш тўғри бўлар эди.

Шахсга йўналтирилган технологиялар инсоннинг ақлий қобилиятларини очишига хизмат қилади.

Машғулотнинг мақсадини, шунингдек, талабаларнинг ўзлари мустақил равиша аниқлаган мақсадларни ҳам, уларнинг шахсий мақсадига еришиш фақат ўқитувчи томонидан белгиланган мақсадларга еришишга нисбатан анчагина самарали бўлади. Бу фазада “Ақлий ҳужум”, “Кластер”, “Биламан, билишни хохлайман, билиб олдим”(Б-Б-Б)” жадвалининг “биламан” ва “билишни хохлайман” қисмларини тўлдириш каби ўқитишнинг интерфаол стратегияларидан фойдаланиш яхши самара беради. Қуйида мана шундай методлардан бир нечтасини кўриб ўтамиш:

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади: мазкур метод таълим олувчиларнинг билимдаражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалийкўнималарини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълимоловчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалийкўнималар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни ичилаш) бўйичаташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг ёки катнашчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янгимаълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчинингижодий ёндашуви ҳамда ўкув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимчатопшириқларни киритиш мумкин.

Намуна: “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” мавзусида ассесмент намунаси.

Ҳар бир катақдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.

“Ассесмент” методини амалга ошириш учун намуна

<p style="text-align: center;">Тест</p> <p>Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот ва халқаро ҳисботнинг нечинчи сонли шакли амалиётла бугунги кунда ҳисбланади?</p> <p style="text-align: center;">Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот ва халқаро ҳисботнинг нечинчи сонли шакли амалиётла бугунги кунда қўлланилаётган “даромадлар ва харажатлартўғрисида ҳисбот шакли ўртасидаги фарқни қиёсий таҳлил қилинг.</p>	<p style="text-align: center;">Қиёсий таҳлил</p> <p>A)1-сон шакл Б)2-сон шакл С)4-сон шакл</p>
<p style="text-align: center;">Симптом</p> <p>Корхонанинг маълум даврдаги Даромадлари, харажатлари ва фойда кўрсаткичлари</p>	<p style="text-align: center;">Амалий қўникма</p> <p>Ихтиёрий корхона йиллик даромадлар ва харажатлар кўрсаткичлари орқали корхонанинг йиллик соф фойда кўрсаткичини аниқланг ва Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот шаклини тўлдиринг.</p>

“Жадвал” методи

“Жадвал” методи талабаларда ўрганилаётган мавзу, муҳокама этилаётган масала ёки муаммонинг назарий моҳиятини жадвал ёрдамида акс еттириш қобилиятини шакллантиришга хизмат қиласи. Методни қўллашда талабалар мавзу (масала, муаммо) моҳиятини оғзаки баён ёки ёзма матн кўринишида эмас, балки асосий ғоя, таянч тушунча ва муҳим жиҳатларни жадвалда аниқ, қисқа ифодалаш қўникмаларини ўзлаштирадилар.

Методни қўллаш юзасидан талабаларга жадвалнинг қўйидаги намунасини тақдим этиш мумкин:

“Жадвал” методини амалга ошириш учун намуна

Моҳияти	Молиявий ҳисобот шакллари			
	Бухгалтерия баланси	Молиявий натижалар түғрисида ҳисобот	Пул маблағлари ҳаракати түғрисида ҳисобот	Хусусий капитал түғрисида ҳисобот
Мақсади				
Вазифалари				
Ўзига хос жиҳатлари				

“Икки қисмли кундалик” методи

Методнинг мақсади – мазкур метод нафакат матннинг мазмунини ўрганишга, матн мазмунини ўзининг шахсий тажрибаси билан боғлашга ваўзлаштирган ахборот, ғоя, ёки фикрларга нисбатан ўз муносабатини ёзма ифодаэтишга имкон берувчи оддий ва самарали усул бўлиб, талабалардаги шахсий позицияни шакллантиришга ёрдам беради.

Методни ўтказиш тартиби:

- иш дафтари вертикал чизиқ бўйича иккига бўлинади.
- чап томонга талабалар мавзу юзасидан унда таассурот уйғотган, ёққанёки савол туғдирган цитата, ғоя ёки фикрларини ёзди (масалан, жуда ақллитаъриф, далил ёки сабаб ва бошқалар).
- ўнг томонда келтирилган цитата ёки фикрга ўзининг шарҳларини ёзди, яъни ўз муносабатини қуидаги йўналишларда билдиради: Уни бу фикр ёки ғоянинг нимаси қизиқтириди ва ёзиб олишга уннади? Бу нима ҳақда ўйлашга мажбур этди? Бу фикр бўйича у қандай саволларни ўйлади?
- матнни ўқиётганида талабалар керакли қўшимча фикрларни аниқлаб, кундаликка ёзиб боради.
- иш яқунлагандан сўнг талабалар жуфтликларда ишлашлари, таҳлилларини алмашишлари, ўртоқлари таҳлилида уларга ёққан фикрни муҳокама этишлари ва кўрсатишлари мумкин.

Тренерга тавсиялар:

- ❖ Сиз олдиндан цитаталар ёки ғоялар сонини белгилаб олишингиз мумкин (мисол учун, 2 та, 4 ёки 5 тадан), - цитаталар мазмуни ва йўналиши мутахасислик, фан ёки мавзуга мос бўлиши, керак.
- ❖ Агарда сиз ижтимоий-тарбиявий мавзуда бу тренингни ўтказмоқчи бўлсангиз ғоялар ёки цитаталар ҳаётий-ижтимоий мавзуларда танланиши мумкин бўлади. Буларнинг барчаси сиз ўз олдингизга қўйган мақсадга васизнинг педагогик услубингизга боғлиқ бўлади.

Иш шакллари:

- + учникларда ишлаш;
- + кичик групкаларда ишлаш;
- + блиц-сўров – сиз бир қатор талабалардан фақат битта цитатани ва фақатбиргина шархни ўқиб беришни сўрайсиз;
- + Фидбейк.
- + Якунлар мунозара тайёрлаш ёки ўтказиш, иншо ёзиш ёки асосланган эссеёзиш учун хизмат қилиши мумкин.

Методни қўллаш юзасидан талабаларга жадвалнинг қуйидаги намунасини тақдим этиш мумкин:

5-жадвал

“Икки қисмли кундалик” методини амалга ошириш учун намуна

ФИКР (ғоя, цитата, муносабат, хуносабат ва бошқ)	ШАРХ

“Брифинг” методи

“Брифинг”- (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағишлиланган қисқа пресс-конференция.

Ўтказиш босқичлари:

1. Тақдимот қисми;
2. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо муҳокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил этиш мумкин бўлади.

“Ёзма баҳс (дебат)лар” услуби

Услубнинг мақсади: талаба (ёки ўқувчи)ларга ўкув хонасидаги цпгдошлари билан биргаликда шу оила жамоатчилик фикрини

түлқинлантираётган мавзуларда мuloқotлар режалаштириш имконини бориш. Услуб талаба (ёки ўқувчи)ларнинг берилган мавзу соҳасидаги (шлимларини чуқурлаштириш шароитини яратиш, мунозара маданиятини ўргатиш ва ўз фикрини асослаш қобилиятини ривожлантириш.

Бу услубдан фойдаланишда ўқитувчи талаба (ёки ўқувчи)ларни баҳолаш учун асос хизматини ўтовчи ажойиб материалга ега бўлади. ЙОзма баҳслар услубиёти бундай мuloқotларни ўқув хонасидаги барча талаба (ёки ўқувчи)лар иштирокида ёзма шаклда ўтказиш имконини беради.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

1. Талаба (ёки ўқувчи)лар баҳс мавзуси бўлиши керак бўлган мавзу билан уй (ёки олдин ўтказилган машғулотлар)да танишадилар. Баҳс арафасида ўқитувчи бўлажак мавзу тўгрисида ўқувчиларга ахборот берар экан, баҳслар қай йўсинда ўтишини қисқача тушунтиради (бу, албатта, баҳслар биринчи марта ўтказилаётган бўлса, жуда муҳимдир).

2. Раҳбар гуруҳ талаба (ёки ўқувчи)ларини иккига ажратади ва уларни ўқув хонасининг икки томонига қатор қўйилган столлар ёнига ўтказади ва ҳар бир гуруҳ қатнашчилари қайси нуқтаи назарни ҳимоя қилишларини белгилайди (масалан, 1-гуруҳ - ижобий ҳолат жорий қилиниши тарафдорлари, 2-гуруҳ - бунга қаршилари).

3. Шундан сўнг, раҳбар талаба (ёки ўқувчи)ларни жуфтлайди, ҳар бир жуфтда қарама - қарши қарашлар тарафдорлари бўлиши керак. Жуфтларни тартиб рақами ёки алифбо ҳарфлари билан белгилаймиз. Агар ўқув хонасида талаба (ёки ўқувчи)лар сони тоқ бўлса, ўқитувчи мунозарага этишмаган шерик хуқуқида қатнашиши мумкин. Ўқитувчи 1-гуруҳ талаба (ёки ўқувчи)ларига (келтирилган мисолда — ижобий ҳолатни жорий қилиш тарафдорлари) ҳар бири жуфт санаси (рамзи) билан белгиланган катак қофоз варакларини тарқатади.

4. Талаба (ёки ўқувчи)лар ўқув хонасининг икки томонида ўтириб, жуфтма - жуфт ёзма мuloқotни бошлайдилар. 1-гуруҳ талаба (ёки ўқувчи)ларига ўzlари маъқуллаётган нуқтаи назар фойдасига битта очиқ далилни шакллантириш учун 5 дақиқа вақт берилади. Улар бу далилни қофоз варагига пухта таҳир қилинган параграф шаклида ёзадилар. Бу вақтда 2-гуруҳ талаба (ёки ўқувчи)лари ўzlари баҳс жараёнида баён этишлари мумкин бўган нуқтаи назарларини исботлашлари мумкин.

5. Ёзилган вараклар қарши гуруҳдаги шерикларга (ижобий ҳолатнинг жорий қилинишига қарши чиқувчиларга) берилади. Уларга жуфт бўйича шерикларининг далилларига қарши жавоб топиш ва ёзиш учун ҳамда ўз қарши далилларини баён қилишлари учун 8 дақиқа вақт ажратилади.

6. Далиллар алмашишнинг бундай тартиби 2-3 марта такрорланади,

бунда ҳар бир талаба (ёки ўқувчи) шеригининг далил-исботига жавоб қайтариши ва ўзининг акс далилини келтириши шарт. Талаба (ёки ўқувчи)ларнинг билимларини аниқлаш учун 3-4 раунд етарлидир. Охирги раундда талаба (ёки ўқувчи)ларга якуний параграфни ёзиш имкони берилади. Шундан сўнг, ёзма иш йиғиб олинади.

7. Баҳсларга якун чиқаришнинг яхши шакли - иккала томонга қаратилган саволдир: «Қарши томоннинг энг яхши далили - исботлари қайсилар бўлди?»

8. Ўқитувчи ишни яккама-якка ёки жуфти бўйича баҳолаши мумкин. Агар ўқитувчи ёзма ишни баҳолашни режалаштирган бўлса, у ҳақида талаба (ёки ўқувчи)ларни дарснинг бошидаёқ огоҳлантириши керак.

Ахборот технологиялари таълимнинг турли янги кўринишларини таклиф этмоқда, хусусан кейинги вақтларда модулли таълим тизимида мажмуавий ёндашув тамоилии кучайиб бормоқда. Унда турли шакл, усуллар мослаштирилган ҳолда жойлаштирилиши аралаш таълимнинг инновация сифатида кириб келишига сабаб бўлди.

Ўқув машғулотлари лойиҳасини ишлаб чиқиша ўқув предметининг мавзуси (фаолият мазмуни) юзасидан ягона, умумий мақсад, умумий мақсад доирасида кичик бўлим (банд)лар бўйича ҳал етилувчи хусусий мақсадлар белгиланди. Сўнгра шу асосда ўқув жараёни мазмунини ишлаб чиқилиб, машғулот шакли, унда қўлланилиши мумкин бўлган методлар, восита ва усулларини танланди. Шунингдек, бу жараёнда ўқув машғулоти учун ажратилган вақт хажмидан тўғри ва унумли фойдаланиш дарс самарадорлигини оширишга хизмат қилди.

Битирув малакавий ишмазмунига кўра ўқув машғулотлари лойиҳасини ишлаб чиқиши жараёнида ўқув-дидактик материаллар яратилди. Бунда асосан мавзу юзасидан турли хил муаммоли вазиятлар, ижодий ва ўйинли топшириқлар, анкета сўровномалари, тестлар, топшириқлар ва назорат саволлари, қизиқарли савол ва масалалар, саволнома ва йўриқномалар, лойиҳалар, йўналтирувчи саволлар, тарқатма материаллар ва карточкалар, кроссвордлар, сканвордлар, чайнвордлар, амалий ишни ташкил етиш бўйича технологик хариталар ишлаб чиқилди.

III боб. “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусини ўқитиши методикаси ва тавсифи

3.1 “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусини ўқитишида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг услубиёти

Мен битириув олди амалиётимни Самарқанд Банк колледжида ўтадим. Амалиёт давомида бир қанча малакали педагогларнинг дарсларини кузатдим ва маҳоратли ўқитувчилардан дарс ўтишнинг самарали усулларини ўргандим. Уларнинг ёрдами ва кўрсатмалари асосида ўзим мустақил равишида дарсларни ташкил этдим. Очиқ дарсларим давомида турли ноанъанавий таълим усулларидан фойдаландим.

Тажрибалар коллекцияниг Бухгалтерия ҳисоби йўналиши III босқич 314 гурухда ўтказилди. Ушбу дарс Бухгалтерия ҳисоби фанидан “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусида бўлиб, дарс жараёни қизғин тарзда бўлиб ўтди. Бу гурухда 30та талаба бўлиб, шундан 28та талаба дарсга қатнашди, 2та талаба сабабли равишида дарсга қатнаша олмади.

Демак, тадқиқотда 28 нафар талабалар, 3 нафар колледж ўқитувчилари, яъни “Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил” кафедраси мудири Сирожов Шукрулло, колледж томонидан тайинланган амалиёт раҳбарим Бухгалтерия ҳисоби ва иқтисодий таҳлил кафедраси Иқтисодий таҳлил фан ўқитувчиси Избасарова Азиза ва Бухгалтерия ҳисоби фан ўқитувчиси Жураев Асқаралилар қатнашдилар.

Очиқ семинар дарс ўтишга ҳозирлик кўрган чоғимда, биринчи ўринда семинар машғулоти режасига биноан дарсни қандай, қайси услубларни қўллаб ўтказишим кераклигига алоҳида эътибор бердим, қандай кўргазмали қуроллар, тарқатма материаллардан фойдаланишни аввалдан режалаштириб кўйдим, зарур материалларни тайёрлаб қўйдим. Чунки, семинар дарси талабаларнинг олган билимларини мустаҳкамлаб олишлари, уни пухта ўзлаштиришлари ва олган билимларини келгусида реал ҳаётда қўллашни ўрганишларида алоҳида ўрин тутади. Шунинг учун ҳам семинар дарсни қизиқарли, талабаларни фаол қатнашишларини таъминлайдиган услубларни қўллаб дарс ўтишим муҳим аҳамиятга эга.

Тажрибанинг биринчи босқичи, янги педагогик технологиялардан фойдаланиб “Бухгалтерия ҳисоби” фанидан «Молиявий натижалар ҳисоботи» мавзусида дарс ўтиш орқали амалга оширилди. Дарсни “Ассисмент”, “Икки қисмли кундалик” ва “Брифинг” ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланиб ташкил қилдим. (Қуйида жуфтлик дарснинг ўтиш услубиёти батафсил ёритиб берилади).

Амалий машғулот режаси:

1. Дарснинг ташкилий қисми - 5 дақиқа
2. Ўтган мавзуни мустаҳкамлаш – 30 дақиқа (“Ассисмент” технологияси)
3. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботнинг иқтисодий мазмунни ва моҳияти – 35 дақиқа (“Икки қисмли кундалик” ва “Брифинг” методлари)
4. Дарсга якун ясаш ва баҳолаш – 10 дақиқа.

Ушбу мавзуни яхлит кўра билиш ва уни тасаввур этиш учун мен дарснинг технологик харитасини тузиб олдим (8 -жадвал).

6-жадвал

Семинар машғулотида ўқитиш технологияси

Вақти – 80 дақиқа	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Семинар-мунозара
Ўқув машғулотининг режаси	<ol style="list-style-type: none"> 1. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботнинг иқтисодий мазмунни ва моҳияти. 2. Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботнинг меъёрий – хуқуқий асослари ва ҳисбот кўрсаткичларининг таснифи
<i>Ўқув машғулотининг мақсади:</i> Молиявий натижалар тўғрисида ҳисбот борасида талабалар билимини кенгайтириш.	
Педагогик вазифалар: <ul style="list-style-type: none"> - мавзу бўйича билимларни кенгайтириш ва чуқурлаштириш; - билимларни таққослашни, умумлаштиришни, таҳлилни тизимлаштириш кўнижмасини ҳосил қилиш; - ўз фикрини шакллантириш ва билдириш жараёнини ташкил қилиш; - коммуникация, гурухда ишлаш кўнижмаларини ривожлантириш. 	Ўқув фаолиятининг натижалари: <p>Талаба:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботга таъриф берадилар; - Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботни тавсифлайдлар.
Ўқитиш усуллари ва техникаси	“Икки қисмли кундалик”, “Ассисмент”, “Брифинг”, “Икки қисмли кундалик” методлари
Ўқитиш воситалари	Ўқув қўлланмалар, проектор, маркерлар, скотч, А32 бичимдаги қофоз варақлари.

Ўқитиши шакллари	Индивидуал, фронтал, гурӯҳлар/ жуфтликларда ишлаш.
Ўқитиши шароитилари	Техник таъминланган, гурӯҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

7-жадвал

Семинар машғулотининг технологик харитаси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (5дак.) Ўтилган мавзуни тақрорлаш(30дақ.)	<p>1.1 Ўқув машғулотининг мавзуси мақсади, режалаштирилган натижаси ва уни ўтказиш режасини айтади. Мавзуни мунозара тарзида ўтишини маълум қиласди.</p> <p>1.2 Ўтилган мавзуни сўрайди (“Ассисмент” педагогик технологиясидан фойдаланади). Жавобларни аниқлаштиради, хатоларни тўғирлайди, хуносалайди.</p> <p>1.3 Машғулотни ўтказиш шакли ва баҳолаш мезонларини эълон қиласди.</p>	<p>1.1 Диққат билан тинглайдилар ва ёзиб оладилар.</p> <p>1.2 Саволларга жавоб беради.</p> <p>1.3 Баҳолаш меъзонлари билан танишади.</p>
2-босқич. Асосий жараён (35ак.)	<p>2.1 Янги мавзуни доскага ёзади.(“Икки қисмли кундалик” методини кўллайди).</p> <p>2.2 Талабалар фикрини сўрайди.</p> <p>2.3 Фикрлар</p>	<p>2.1 Янги мавзу юзасидан мустакил тушунча ва билимларини баён қиласди.</p> <p>2.2 Тарқатма материалда берилган топшириқни бажаради,</p>

	<p>таҳлил қилинади ва тушунтришлар берилади.</p> <p>2.4 Талабаларни янги мавзуни қай даражада тушунганликларини билиш мақсадида “брифинг” методидан фойдаланилади.</p> <p>2.5 Тарқатма материал жавобларини талабалар билан биргалиқда таҳлил қиласи ва якуний хуносалар беради.</p>	<p>ўқитувчи биргалиқда қиласи ва натижалари билан танишади.</p>
3-босқич. Якуний(10дақ.)	<p>3.1 Ишга якун ясайди, ўқувчиларни баҳолайди.</p> <p>3.2 Мустақил иш учун вазифа беради</p>	3.Тинглайдилар, вазифани ёзиб оладилар.

Технологик харитада кўрсатилгандек дарс З босқичда ўтди. дарснинг биринчи босқичи ташкилий қисмдан иборат эди. Дарс жараёнини бошлагач ташкилий қисмга 5 дақиқа ажратдим. Бу вақт оралиғида талабаларнинг ўз жойларини эгаллаганликларига, хонанинг ёруғлиги, тозалиги, дарсга тайёрлигига эътибор қаратдим ва гурӯҳ журнали бўйича талабалар давомадини текширдим. **Дарснинг ушбу босқичи яъни уйга вазифани текшириш ва мустахкамлаш учун 30 дақиқа ажратдим.** Бунда мен “Ассисмент” педагогик технологиясидан фойдаландим.

Ушбу технология биргалиқдаги фаолият бўлиб, талабаларни матн устида фикрлаш, ўз foяларини шакллантириш ва уларни ҳамкорлар ёрдамида муайян шаклда ифодалашга йўналтиради. Мазкур усул хозирги вақтда янги педагогик технология асосида жорий этилади.

Технологиянинг мақсади – талабалар иқтисодий билимларини чуқурлаштириш, уларда иқтисодий идрок ва зеҳнни шакллантириш. Мазкур технология беллашув тарзида ҳам уюштирилиши мумкин.

Педагогик технология билан таништиришдан олдин, талабаларни экранда намойиш қилинган баҳолаш мезонлари билан таништирдим ва семинардар ишлаш тартиби ва регламентига изоҳ бердим (10- жадвал).

Шундан сўнг талабарларни ушбу педагогик технологиянинг моҳияти ва қўлланилиш тартиби билан таништирдим. Сўнгра уларни аъзолари сони 7 кишидан иборат бўлган 4 гурухга ажратдим. Ҳар бир гурух аъзолари ўзларига гурух сардори тайинлашлари айтилди. Абдурахмонова Муниса, Ўкитамов Достон, Қаюмова Фарангиз ҳамда Кўчаров Азиз исмли талабалар гурух сардорлари қилиб тайинланди. Шу тариқа педагогик технологияни қўллаш жараёни бошланди. Бунда мен ўтилган мавзу бўйича олдиндан тайёрлаб келган “Ассисмент” технологиясини қўллашда фойдаланиладиган жадвал акс эттирилган тарқатма материални гуруҳларга тарқатдим ва талабаларни тарқатма материалдаги эксперт варафи билан таништирдим. Ҳар бир гурух вакиллари ўз саволларига тақдимот тайёрлаши кераклигини айтдим бунинг учун гуруҳларга 20 дақиқа вақт бердим.

Гурух аъзолари фаол қатнашди, мазмунли тақдимотларини ҳар бир гурух сардорлари тақдим этишди.

8-жадвал

“Ассисмент” технологияси эксперт варафи

Тест Бухгалтерия баланси Молиявий ҳисоботнинг неchanчи сонли шакли ҳисобланади? А)1-сон шакл Б)2-сон шакл С)4-сон шакл	Қиёсий таҳлил Мамлакатимизда тузиладиган Бухгалтерия баланси ва халқаро амалиётда тузиладиган Бухгалтерия баланси ўртасидаги фарқни қиёсий таҳлил қилинг.
Симптом Бухгалтерия балансига тегишли симптомларни келтиринг	Амалий кўникма Бухгалтерия баланси бўйича амалий кўникмаларингизни мисол тариқасида келтиринг

Ўқувчиларнинг гуруҳ бўлиб ишлаш фаоллиги, иштироки, берилган жавоблари ва ҳулқларини ҳисобга олган ҳолда баҳоладим. Натижалар қуйидагилардан иборат бўлди:

Ўқувчилар натижаларини баҳолаш жадвали

Гурӯҳлар	Жавобнинг тӯлалиги, аниқлиги, тушунарл илиги(1,0)	Қардош гурӯҳлар ни дикқат билин эшитгани , хулқ- атвори	Гурӯҳ иштирок чиларин г фаоллиг и	Баллар нинг умуми й хажми	Баҳо
1-гурӯҳ Абдуллаева Н Абдурахмонов А Абдурахмонова М Абдусодиков А Амонов Ф Аминова Н Воҳидова С	1,0 1,0 0,9 1,0 0,9 0,2 0,8	0,5 0,5 0,4 0,4 0,5 0,4 0,4	0,5 0,5 0,5 0,5 0,4 0,5 0,5	2 2 1,8 1,9 1,8 1,1 1,7	5 5 5 5 5 3 4
2-гурӯҳ Асадов Н Ашурова К Ахмадов А Баратов А Каримова С Солиева С Ўқтамов Д	1,0 1,0 0,8 0,7 0,8 0,9 0,8	0,5 0,5 0,5 0,4 0,5 0,5 0,5	0,5 0,5 0,4 0,4 0,5 0,5 0,5	2 2 1,7 1,5 1,9 1,9 1,8	5 5 4 4 5 5 5
3-гурӯҳ Меликова Ф Муйинжонова М Махмудова М Қалқонов Э Қаюмова Ф Қиличова Д Рустамова А	0,8 0,9 0,8 0,8 0,8 0,7 0,8	0,5 0,5 0,5 0,5 0,5 0,4 0,5	0,5 0,4 0,5 0,5 0,5 0,5 0,5	1,8 1,7 1,8 1,8 1,8 1,6 1,8	5 4 5 5 5 4 5
4-гурӯҳ Рўзибоев М Шарофов С	0,9 0,8	0,5 0,5	0,5 0,5	1,9 1,8	5 5

Кўчаров А	0,8	0,5	0,5	1,8	5
Тошпўлатов Р	0,2	0,4	0,5	1,1	3
Тўрақулова Ф	0,8	0,5	0,5	1,8	5
Усмонова М	0,9	0,4	0,4	1,7	4
Восиев Т	0,2	0,2	0,2	0,6	2

Ўқувчиларни баҳолаб бўлгач амалий дарсимнинг иккинчи қисмига ўтдим. Янги “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” мавзусини доскага ёзгач, ушбу мавзу бўйича ўқувчиларнинг мустақил фикрлари, ўз тушунчалари мавжудлигини текшириш учун “Икки қисмли кундалик” методини қўлладим.

Методнинг мақсади – мазкур метод нафақат матннинг мазмунини ўрганишга, матн мазмунини ўзининг шахсий тажрибаси билан боғлашга ва ўзлаштирган ахборот, ғоя, ёки фикрларга нисбатан ўз муносабатини ёзма ифода этишга имкон берувчи оддий ва самарали усул бўлиб, талабалардаги шахсий позицияни шакллантиришга ёрдам беради.

Методни ўтказиш тартиби қўйидагича бўлди:

- иш дафтари вертикал чизик бўйича иккига бўлинди.
- чап томонга талабалар мавзу юзасидан унда таассурот уйғотган, ёқсан ёки савол туғдирган цитата, ғоя, фикрларини ёзишди (масалан, жуда ақлли таъриф, далил ёки сабаб ва бошқалар).
- ўнг томонда келтирилган цитата ёки фикрга ўзининг шарҳларини ёздилар, яъни ўз муносабатини қўйидаги йўналишларда билдирилар: Уни бу фикр ёки ғоянинг нимаси қизиқтириди ва ёзиб олишга унади? Бу нима хақда ўйлашга мажбур этди? Бу фикр бўйича у қандай саволларни ўйлади?
- матнни ўқиётганида талабалар керакли қўшимча фикрларни аниқлаб, кундаликка ёзиб бордилар.
- иш якунлагандан сўнг талабалар жуфтликларда ишлашди, таҳлилларини алмашишди, ўртоқлари таҳлилида уларга ёқсан фикрни муҳокама қилишди.

Ушбу методни қўллаш учун мен 15 дақиқа ажратдим.

Барча ўқувчиларни фикрларини эшитиб бўлгач, яна 10 дақиқа давомида ўз фикр-мулоҳазаларим ва тушунчаларим орқали янги мавзуни баён қилдим. Янги мавзуни баён қилишда қўйидаги чизма ва жадваллардан кўргазмали қурол сифатида фойдаландим:



9-расм. Молиявий ҳисоботнинг таркиби



10-расм. Товарлар сотишдан олинган даромаднинг тан оlinиши.

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисоботнинг меъёрий-хукукий асослари

Меъёрий ҳужжатлар номи	
	Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Конун. Т.: (янги таҳрир/ 2016 й 13 апрел).
	«Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низом. ЎзР Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Қарори билан тасдиқланган. (ўзгартириш ва кўшимчалар билан).
	Ўзбекистон Республикаси 1-сон «Ҳисоб юритиш сиёсати ва молиявий ҳисобот» номли БХМС. ЎзР Адлия вазирлигига 1998 йил 14 августда 474-сон билан рўйхатга олинган.
	«Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар» номли 2-сон БХМС
	«Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот» номли 3-сон БХМС
	«Товар-моддий захиралар» номли 4-сон БХМС
	«Инвентаризацияни ташкил этиш ва ўтказиш» номли 19-сон БХМС
	«Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби счёtlар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» номли 21-сон БХМС
	ЎзР молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги «Молиявий ҳисботлар шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидалар» 140-сон буйруғи билан тасдиқланган.

Мавзуни қисқача тушунтириб бўлгач, ўқувчилар янги мавзуни қай даражада тушуниб олганликларини текшириш мақсадида “Брифинг” методини қўлладим.

“Брифинг” методи - (инг. briefing-қисқа) бирор-бир масала ёки саволнинг муҳокамасига бағищланган қисқа пресс-конференция бўлиб, биз уни янги мавзуга мослаштирган ҳолда “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисботни тузиш нима учун керак?” деб номладик.

Ушбу методни ўтказиш босқичлари қўйидагича бўлди:

- I. Тақдимот қисми (ўқувчилар янги билимларга таянган ҳолда савол бўйича қисқача фикрларини баён қилишди).
- II. Муҳокама жараёни (савол-жавоблар асосида).

Брифинглардан тренинг якунларини таҳлил қилишда фойдаланиш мүмкинлиги боис, мен ҳам ўқувчиларнинг янги мавзуни ўзлаштириш даражаларини таҳлили сифатида ушбу методдан фойдаландим. Шунингдек амалий ўйинларнинг бир шакли сифатида қўллаш орқали қатнашчилар билан бирга долзарб мавзу ёки муаммо мухокамасига бағишлиланган брифинглар ташкил қилишга эришдик.

Гуруҳда деярли 70% талабалар тўғри ва мустақил фикрлар билдира олишди. Шунингдек, мухомака жараёнида ўз фикрларини тўғри асослаб бера олишди. Шундан сўнг ўқувчилар билан биргаликда мавзу бўйича фикрларни умумлаштирган ҳолда якуний холосалар чиқардик.

Ушбу методни қўллаш ҳам ўқувчиларни янада фаол бўлишга ундали ва яна бир неча ўқувчиларни баҳолаш имконини яратди.

Дарснинг якуний қисмига 10 дақиқа вақт ажратдим. Ушбу вақт оралиғида мен дарсда фаол қатнашган талабаларни баҳоладим, ўтилган амалий дарс бўйича фикрлари билан танишдим, уйга вазифалар бердим ва дарсни якунладим.

3.2 Мавзуни ўқитишида олиб борилган тадқикод натижаларининг таҳлили ва самарадорлигини ошириш йўллари

Мазкур 2 соатлик дарсда 2та ноанъанавий таълим технологияларининг усулинни тадбиқ қилдим.

Мен уйга вазифани сўрашда “Ассисмент” технологиясидан фойдаланишим орқали бир вақтнинг ўзида бир нечта ўқувчиларни баҳолаш имкониятига, барча ўқувчиларнинг диққатини дарс жараёнига қаратса олишга ва бу орқали ўқувчиларнинг дарс давомидаги фаолликларини таъминланишига эриша олдим. Шу сабабли ҳам ўқувчилар ўтилган мавзуни яхши ўзлаштиришди, мустахкамлашди ва келтирилган маълумотларни яхши эслаб қолишиди.


Янги мавзуни тушунтиришда, мен “Икки ёқлама кундалик” методи, ушбу мавзуни мустахкамлашда эса “Брифинг” методларидан фойдаландим ва бу яхши натижа берди. Чунки, талабалар бунда қаралаётган муаммо юзасидан ўз фикрларини эркин баён этишди, ўзаро бир-бирлари билан фикр алмашишди ва қаралаётган фикр юзасидан тўғри хulosалар чиқаришди. Ушбу методлар ўқувчилар учун янги мавзуни моҳиятини тўлақонли тушуниб этишларида жуда муҳим ўрин эгаллади.

Дарс давомида камчилилар ҳам бўлди, яъни, талабар фикрларининг қарама – қаршиликлари зиддиятли холатларни келтирди. Бу вазиятда мен уларни тартибни сақлаган холатда, бир –бирларини фикрларини хурмат қилишлари ва тинглашлари кераклигини тушунтирудим.

Бундан шундай хulosага келиш мумкинки, дарс давомида мана шундай инновацион технологиялардан кўпроқ ва доимий тарзда фойдалансак, дарс сифати, талабаларни ўтилган мавзуни ҳамда янги мавзуни моҳиятини тўлақонли тушинишлари, ёдда сақлаб қолишилари осонлашади ҳамда ўқувчиларнинг дарс жараёнига нисбатан бефарқлик, зерикиш холатлари чекланади, дарсга бўлган қизиқишлари ортади ва дарс сифати яхши бўлади. Биз ҳам кўзланган мақсадга эришамиз. Зоро, бу тайёрланаётган ёш кадрлар мамлакатимизни жаҳон миқёсига кўтарадиган билимли, зукко, ҳар бир вазиятни тўғри баҳолай оладиган ёшлар бўлиб этишишлари учун жуда муҳимдир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, дарс таҳлили қуйидагича бўлди: гуруҳ талабалари жами 100 % деб қаралса, шундан 60 % аъло, 24 % яхши, 9% қониқарли ва қолган 7 % қониқарсиз деб баҳоланди.

Ушбу маълумотларни қуйидаги 2-диаграмма орқали ифодалаш мумкин:



2-диаграмма. Амалий дарс таҳлили

60% - дарсда аъло баҳо олган талабалар сони. Дарсда уларнинг мавзууни ўзлаштириш даражаси ҳам жуда юқори бўлган талабалар.

24% - дарсда яхши баҳо олган талабалар;

9% - дарсда қониқарли баҳо олган талабалар;

7% - ўзлаштириш даражаси суст бўлган талабалар.

Менинг назаримда, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этишда қўйидаги методик тавсияларга эътибор берилиши керак:

1. Лицей ва коллежларда ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши керак, яъни ҳар бир ўқитувчи ноанъанавий таълим усулларини ва уларни татбиқ этишни мукаммал билиши;
2. Лицей ва коллежларда ноанъанавий таълим усуллари бўйича маҳсус курсларни ташкил этиш ва уларга барча ўқитувчиларни жалб этиш;
3. Лицей ва коллежларда ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланиб дарсни ташкил қилиш учун мос шарт-шароитлар яратилган бўлиши;

4. Лицей ва коллежларда техник воситалардан фойдаланиш даражаси юқори бўлиши яъни барча ўқитувчилар компьютер саводхонлигига эга бўлиши;
5. Ноанъанавий таълимни ташкил қилганда шовқин юзага келмаслиги учун кичик гурӯҳдаги ҳар бир талабага қоғозга ёзилган рақамларни тарқатиб рақам бўйича жавоб беришни талаб қилиш шарт.

Ҳозирги вақтда ўқитувчилар билан бирга талабалардан ҳам янги, ноанъанавий таълим усулларини яхши билиши, ўқитувчининг ушбу усулларни қўллаб дарс бериш, талабаларни эса, улардан фойдаланиб дарсни ўзлаштириш кўнимасини шакллантириш лозимлиги талаб қилинмоқда. Бу ўз навбатида, ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланишни нафакат ўқитувчилар, балки талабалар ҳам ўзлаштирган бўлишлигини тақозо қилмоқда.

Иқтисодий фанларни ўқитиши жараёнида педагогик технологияларнинг таълимга жорий этиш тажрибасини ўрганиш ва унга ижодий ёндашиш, ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш, бунда талабани суст объектдан фаол субъектга айлантириш, билиш фаолиятининг аниқ мақсадларга йўналганлигини ҳамда ўқув жараёнини ишлаб чиқариш жараёни каби тақрорланувчанлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Шунингдек, педагогларда турли шаклдаги тест топшириклари тузиш, уларни синаш малакалари шаклланади ва такомиллашади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкинки, таълим жараёнига янги педагогик технологияларни жорий этиш ва улурдан самарали фойдаланиш орқали талабалар ўзлари эгаллаётган билимларни ўзлари излаб топадилар, ўзлари мустақил фикрлайдилар ҳаттоқи қарор ёки хуносани ҳам ўзлари чиқарадилар. Ўқитувчи эса фаолиятни бошқариб, кузатиб, йўналтириб боради.

Зоро, биринчи Президентимиз И.А.Каримовнинг фикрига кўра: “Касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар учун янги педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаган, касбий тайёргарликка эга, замонавий фикрловчи кадрларни танлаш ва улар билан таъминлаш тизимини тубдан яхшилаш, ўсиб бораётган замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, уларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш керак”.¹⁷

¹⁷Малакали педагог кадрлар тайёрлаш ҳамда ўрта маҳсус, касб-хунар таълими муассасаларини шундай кадрлар билан таъминлаш тизимини янада такомиллаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 28 майдаги Қарори // Зарафшон газетаси. – 31.05.2012. – №66.

3.3 Ўқитиши технологияларини жорий этишда хавфсизликни таъминлаш муаммолари

Ташкилотларда, ўқув билим юртларида ва шунингдек касб-хунар коллежларида ҳам хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат қонунлари кодексида ёзиб қўйилган.

Маъмурият таркибига раҳбар ходимлар, яъни касб-хунар коллежларида, ташкилотчилик, маъмурий-хўжалик ишларини амалга оширувчи, ўқув жараёнларини ташкил қилувчи, коллежда меҳнат қилаётган ходимларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб борувчи шахслар киритилади.

Маъмурият ходимларига қўйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, талим сифатини ошириши ва даражасини бир неча ўн йил олдиндан кўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Маъмурият зиммасига юклатиладиган мажбуриятлар асосан ишчилар билан маъмурият ўртасида тузиладиган меҳнат битимидан келиб чиқади. Бу меҳнат битимини тузиш мажбуриятини Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси билан белгиланган. Бу қонуният сифатида қўйидагича тақлид қилинади. Ишчи маълум мутахассислик бўйича белгиланган ишни корхона ички тартиб-қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш, маъмурият эса меҳнат қилиш қонуниятларига асосан ва жамоат битимида кўзда тутилган маълум миқдордаги мажбуриятлар мундарижасини ўз зиммасига олади.

Меҳнат Кодексида кўзда тутилган мажбуриятлар қўйидагилар:

Ҳар бир ходим ва ўқитувчи учун ўз мутахассислиги ва малакасига қараб маълум бир ўқув хонаси, иш столи ва бошқалардан иборат иш жойи ташкил қилиш, соғлом ва хавфсиз иш шароитини ташкил қилиш, сифатли ўқув жиҳозлари билан таъминлаш ва меҳнат интизомини, ҳар тарафлама мустаҳкамлаш, иш шаротини кундан-кунга яхшилаб боришни таъминлашга қаратилган техник жиҳозлар ўрнатиш, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилишнинг номенклатура чора-тадбирларини амалга ошириш.

Бундан ташқари, раҳбар ходимларга хизмат вазифалари ҳам юкланди. Бу вазифалар бошқариши лозим бўлган лавозими тақозо қиласидаган тавсияномада белгиланган бўлади.

Коллежларда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш 13 моддада келтирилган. Коллеждаги ҳар бир иш жойидаги меҳнат шароити

мехнатини мухофаза қилиш стандартлари, қоида ва меъёрлари талабларга мувофиқ бўлиши лозим.

Коллежда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш, ишлаб чиқаришнинг хавфли ва зарарли омиллари устидан назорат ўрнатилишини ташкил етиш ва назоратнинг натижалари тўғрисида меҳнат жамоаларини ўз вақтида хабардор қилиш маъмурият зиммасига юкланди.

Коллежда меҳнатнинг соғлом ва хавфсиз шароитларини таъминлаш юзасидан маъмурият билан ходимларнинг ўзаро мажбуриятлари жамоа шартномаси ёки битимида кўзда тутилади.

Интизом жавобгарлиги. Ҳар бир ўқув юрти ўз ички тартиб-қоидаларини ишлаб чиқади. Бу тартиб-қоидаларнинг барчаси соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитини таъминлаш, жараёнларни нормада бажаришга қаратилган.

Талабларни бажармаслик баҳциз ҳодисаларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг тартиб-қоидаларга амал қиласлиги иш режимининг бузилишига, кассалик, баҳциз ҳодиса, заҳарланиш ва бошка ҳодисаларнинг содир бўлишига олиб келиши мумкин. Улар учун интизом жавобгарлиги таъсис этилган.

Бу жавобгарлик ишчилар учун – огоҳлантириш, хайфсан еълон қилиш, жиддий хайфсан еълон қилиш, уч ой муддат билан ойлиги кам бўлган ишга ўтказиш ёки шу муддатга паст разряд ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш каби тартибда амалга оширилади.

Раҳбар шахслар учун жавобгарлик огоҳлантириш, хайфсан еълон қилиш, бир йилгача лавозимини пасайтириш, ишдан бўшатиш йўли билан олиб борилади.

Ходимлар бўлим раҳбарлари, коллеж раҳбари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин. Раҳбар ходимлар эса юқори раҳбарлик ходимлари томонидан интизом жавобгарлигига тортилиши мумкин.

Раҳбар ходимлар жамоа битимида кўрсатилган талабларни, юқори ташкилот буйруқларини бажармаганликлари ва асосан хавфсизлик техникаси, саноат гигиена санитария талаб-қоидаларига амал қилинмаганлиги учун жавобгарликка тортиладилар.

Маъмурий жавобгарлик қўйидаги уч турда белгиланиши мумкин:

1. Ахлоқий характердаги жавобгарлик (огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар);
2. Маблағ ва пул ундириш, бунда жарима ва мусодара қилиш усули қўлланилади;

3. Тартиб бузувчининг шахсига тааллуқли бўлган жавобгарлик (аҳлоқ тузатиш ишлари, маъмурий – қамоқ жазоси, вазифасидан четлатиш).

Меҳнат хавфсизлиги қоида ва нормаларини бузган ишчи ва хизматчиларга маъмурий жавобгарлик тартибида огоҳлантириш, жамоат тартибидаги чоралар ва маълум миқдорда жарима тўлаш белгиланади. Жарима ва огоҳлантириш бўйсуниш тартибида раҳбар ходимлар томонидан эмас, балки меҳнатни муҳофаза қилишнинг давлат назорат органлари ёки шаҳар ва туман депутатлари кенгаши ижроия қўмиталари томонидан ташкил қилинган комиссияларнинг қарори билан белгиланади.

Жиноий жавобгарлик. Меҳнатни муҳофаза – қилиш қоидаларининг кўпол бузилиши натижасида оғир жароҳатланиш ёки бир неча кишининг оғир жароҳатланиши содир бўлса ёки баҳциз ҳодиса ўлим билан тугаса, қоидани бузишда айбланган раҳбар ходим жиноий жавобгарликка тортилади. Жиноий жавобгарлик раҳбар ходимни вазифасидан четлатиш ёки маълум муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан белгиланади.

Чегараланган моддий жавобгарликда коллежга етказилган заар маъмурият буйруғига асосан ишчи ва хизматчининг ойлигидан ундириб олинади. Бунда айбдор шахснинг розилиги билан ойлигидан (учдан биридан ошмаслиги шарти билан) ушлаб қолинади.

Ҳозирги замон фан ва техникасининг ўсиши янгидан-янги технология ва машина – механизмларнинг жорий етилиши, ишлаб чиқаришда ишлаётган ҳар бир ходимнинг юқори малакали, техника қонунларини тушунадиган ва унга амал қиласиган бўлишларини талаб қиласи.

Инструктажларни асосан тўрт гурӯхга бўлиб қараш мумкин: 1) кириш инструктажи; 2) иш жойидаги инструктаж; 3) вақти-вақти билан ўтказиладиган инструктаж ва 4) режадан ташқари инструктаж (ГОСТ 12.004-74 (МХСС)).

Кириш инструктажи. Ишга янги кираётганлар учун ўтказилади. Бу инструктажнинг асосий мақсади – ишга кираётганларнинг меҳнатини муҳофаза қилиш, хавфсизлик техникаси тўғрисида маълумот бериш ҳисобланади. Кириш инструктажи яхши жиҳозланган ва кўргазмали куроллар ўрнатилган меҳнатни муҳофаза қилиш кабинетида, хавфсизлик техникаси инженери томонидан ўтказилади.

Кириш инструктажи вақтида ишга кираётган ишчи қўйидаги ҳолатлар билан таништирилиши шарт: Ўзбекистон Республикасида меҳнатни муҳофаза қилиш қонуниятлари асослари, ўқув юртининг ички тартиб қоидалари, хавфсизлик техникасининг умумий талаблари, иш жойини

ташкил қилиш, ишчига топширилган машина ва механизмларни саромжон ва озода сақлаш қоидалари, бахциз ҳодисаларни олдини олиш қоидаларини тушунтириш бунда асосий диққат еътиборни ҳар хил еритувчилар, кислоталар, енгил аланталанувчи суюқликлар, сиқилган ҳаво, электр токи ҳавфи мавжуд бўлган вазиятларга қаратиш керак.

Мехнатни муҳофаза қилиш, ҳавфсизлик техникаси ва ўқув жараёнида қоида, норма ва инструкцияларининг бузилиши натижасида вужудга келган бахциз ҳодисалар ҳақида маълумотлар берилishi керак. Бахциз ҳодиса рўй берганда ўзини қандай тутиш ҳақида тушунча берилади, алкогольли ичимликлар бахциз ҳодисага олиб келиши ҳақида айтиб ўтилиши шарт. Кийим бош, маҳсус оёқ кийими ва шахсий муҳофаза воситаларидан фойдаланиш қоидалари, санитар-гиёна шароитларига еътибор бериш, санитар майший хоналардан фойдаланиш тартиби, бахциз ҳодиса рўй берганда, бахциз ҳодисага учраган кишига врач келгунга қадар ёрдам кўрсатиш усуллари ҳақида маълумот берилади.

Иш жойидаги инструктаж. Иш жойидаги инструктажда қуидагилар тушунтирилиши керак: ишчининг доимий ишлаш жойи, ўқитувчининг доимий ишлаши зарур бўлган ахборот технологияларнинг хусусияти уларнинг вазифаси ва улардан фойдаланиш қоидалари. Ишга тайёрланиш қоидалари, электрон воситаларнинг созланганлигини текшириш, юргизиш ўчириш асбобларининг ишлаши, ерга уланганлиги, ёрдамчи ва асосий қуролларнинг мавжудлиги. Шахсий муҳофаза аслаҳаларининг вазифалари ва улардан фойдаланиш қоидаларига қўйиладиган талаблар.

Инструктаж ўтказаётганда аввало одатдаги иш шароитида ишчи ўзини қандай тутиши кераклиги ҳақида маълумот берилади. Масалан авария, ёнғин ва бошқа ҳолларда ўқитувчи ўзини қандай тутиши, тез ҳаракат қилиши мухим аҳамиятга ега. Шунинг учун мана шундай ҳолатларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида ҳам маълумот берилиши керак.

Иш жойидаги инструктажни техник ҳавфсизлик буйича ҳодим ўтказади.

Режадан ташқари инструктаж. Бу инструктаж технологик жараённинг ўзгариши, янги электрон намойиш этиш воситалари мультимедиялардан фойдаланиш натижасида иш шароитининг ўзгариши сабабли фойдаланувчиларнинг ҳавфсизлигини сақлаш учун билимлари этишмаслиги сезилганда ўтказилиши мумкин.

Самарқанд Банк коллежи ҳудуди ва биноларида ҳамда ўқув хоналари, ўқув заллари, ошхона ва каридорларда барча ёнғин ҳавфсизлигига доир чоратадбирларига амал қилиш, белгиланган қоидаларига риоя қилиниши талаб

даражасида ва барча ишчи-ходимлар умумий тартибга амал қилишлари билан ўзига хос аҳамият касб этади.

Самарқанд молия коллежининг ўқув хоналари ва ўқитувчиларнинг дам олиш хоналарида ҳамда саноат корхоналарини ёруғлик манбаларига нисбатан ёритиш икки усулда:

1. Табиий қуёш ёруғлиги ёрдамида ёритиш (бунда қуёш тарқатаётган нурдан тўғридан – тўғри фойдаланилади ёки қуёш нурининг таъсирида ёруғлик тарқатаётган осмоннинг диффузия ёруғлигидан фойдаланилади).
2. Қуёш ёрдамида ёритишнинг иложи бўлмаган муассаса ва саноат корхоналари хоналарини қуёш ботгандан кейин умуман электр нурлари ёрдамида сунъий ёритиш йўли билан амалга оширилади.

Иш бажариш вазифасига кўра сунъий ёритилишлар ўзига хос турларга бўлинади:

- 1) ишчи ёритилиш, авария ёритилиши;
- 2) маҳсус ёритилишларга бўлинади.

Ишчи ёритилиштаълим муассасалари ва саноат корхоналарининг ҳамма хоналари, ҳудудлари, ўтиш жойлари, транспорт воситаларининг ҳаракатланиш зоналарида бўлиши зарур.

Авария ёритилиши колледж ва бошқа турдаги корхоналаридаги ишчи ёритилишнинг тўсатдан ўчиб қолиши мумкинлигини назарда тутиб, бундай ҳол юз берганда ишлаб чиқариш зоналаридаги минимал ёритилишни таъминлаш мақсадида ҳисобга олинади. Авария ёритилиши асосан ишчи ёритилишнинг тўсатдан узилиб қолиши, портлаш, ёнгин, ишчиларни заҳарланиши ва баҳтсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар вужудга келганда, шунингдек, бу ҳодиса технологик жараённинг узоқ вақт тўхтаб қолишга олиб келадиган, жумладан электр станциялари, диспетчер пунктлари, аҳолини сув билан таъминлаш насос станцияларининг тўхтаб қолишига сабаб бўладиган зоналарда кўзда тутилади.

Авария ёритилиши умумий ёритилишнинг 5% дан кам бўлмаган ёруғлик билан таъминлаши ва бу ёруғлик, ёруғликнинг умумий системаларига нисбатан умумий овқатланиш хоналарида 2 лк дан кам бўлмаган ёруғликни таъминлаши керак (бунда ёритилиш нормаларга асосан олинади).

Авария ёритилишлари шунингдек, 50 кишидан ортиқ ишчи ишлайдиган колледж ва корхоналарининг ишчи ходимларини эвакуация йўллари, ўтиш жойлари, зинапоялар ва бошқа чиқиш жойларига ўрнатилади. Бунда ёритилиш колледж ва бошқа турдаги корхоналари полларини,

зиналарини ва ўтиш жойларини камида 0,5 лк ва очиқ ҳудудларини камида 0,2 лк дан кам бўлмаган ёруғлик билан ёритилиши керак. 100 кишидан ортиқ ишчи ишлайдиган муассаса ва корхоналарининг чиқиш жойлари ёруғлик сигналлари (кўрсаткич сигналлар) билан таъминланиши керак.

Таълим муассасалари ва корхоналарни ёритиш системаларига асосий талаблар қўйилади.

Иш жойларини ёритиш санитария-гигиеник нормалар асосида иш категорияларига мослашган бўлиши керак. Иш жойларини максимал ёритиш албатта, иш шароитини яхшилашга олиб келади. Бунда иш олиб борилаётган объектнинг кўриниши яхшиланади, бунинг натижасида иш унуми ортади. Баъзи бир аниқ ишларни бажарганда ёритилишни 50 лк дан 1000 лк гача ошириш билан иш унумини 25%га ошганлиги маълум. Кўз билан қўриб ишлаш унчалик шарт бўлмаган қўполроқ ишларни бажарганда ҳам ёритилишни 50 лк дан 300 лк га ошириш иш унумини 5-7% га оширган. Аммо ёритилиш маълум миқдорга етгандан кейин ундан кейинги ёритилишнинг оширилиши яхши натижа бермайди. Шунинг учун ҳам иқтисодий самара берадиган ёритилишнинг оқилона вариантини танлаш зарур.

1. Иш олиб борилаётган юзага ва кўзга кўринадиган атроф мухитга ёруғлик бир текис тушадиган бўлиши керак, чунки, агар иш олиб борилаётган юзада ва атроф мухитда ялтироқ участкалар мавжуд бўлса, унда кўзнинг уларга тушиши ва қайтиб иш зonasига қараганда кўзнинг жимиirlашиши ва маълум вақт кўниши керак бўлади. Бу эса кўзнинг тез чарчашига олиб келади.
2. Ишчи юзаларда кескин соялар бўлмаслиги керак, чунки иш юзасида кескин сояларнинг бўлиши, айниқса, у соялар харакатланувчи бўлса, бажарилаётган объектни кўришни ёмонлаштиради, обьект кўзга нотўғри бўлиб кўринади ва бу ишнинг сифатини ҳамда унумдорлигини пасайишига олиб келади. Шунинг учун ҳам саноат корхоналари тўғри тушаётган офтоб нурларини соябонлар ва бошқа офтобга қарши воситалар билан тўсиши керак, чунки қуёш нурлари кескин соялар пайдо бўлишига олиб келади.
3. Ишчи зоналарда тўғри ёки нур қайтиши таъсирида ҳосил бўлаётган ялтираш бўлмаслиги керак, чунки иш зоналаридаги ялтираш кўзнинг кўриш қобилиятини пасайтириб, кўзни қамаштириши мумкин. Ялтироқ юзалар ёритиш асбобларининг юзаларида, нур қайтариш таъсирида ҳосил бўладиган ялтирашлар нур қайтариш коэффициенти катта бўлган юзаларда вужудга

келади. Ялтирашни камайтириш ёритиш асбобларининг нур тарқатиш бурчакларини танлаш ва нур қайтариш таъсирида ҳосил бўладиган ялтирашларини, нур тўсиш йўналишларини ўзгартириш ҳисобига эришиш мумкин.

4. Ёритилиш миқдори вақт бўйича ўзгармас бўлиши керак.

Юқоридагилардан келиб чиқадиган бўлсак, таълим муассасалари ва ресторонларни беноларини электир тармоғини ёритилишнинг кўпайиб-камайиши, агар у ўқтин-ўқтин рўй берадиган бўлса, кўзга зарар келтиради, чунки кўз ёруғлик ўзгаришларига кўничишига тўғри келади. Бу эса кўзнинг тез чарчашига олиб келади ва мижозларни руҳиятида жиддий ўзгаршлар пайдо бўлади натижада улар асабийлашишлари мумкин.

Ёритилишнинг ўзгармаслигига муҳим ўзгармас кучланишли манбалардан фойдаланиш йўли билан эришилиши мумкин.

1. Ёруғлик нурларини оптимал йўналиш билан йўналтириш керак;
2. Ёруғликнинг лозим бўлган спектр таркибини танлаш зарур. Бу талаб материалларнинг рангини аниқ белгилаш зарур бўлган ҳолларда муҳим роль ўйнайди.
3. Ёруғлик қурилмалари қўшимча хавф ва заарликлар манбай бўлмаслиги керак. Шунинг учун ёритиш манбалари ажратадиган иссиқликни, товуш чиқаришини максимал камайтириш керак.
4. Ёритиш қурилмаси ишлатиш учун қулай, ўрнатиш осон ва иқтисодий самарадор бўлиши керак.

Самарқанд Банк коллежи ва самарқанд шаҳар умумий овқатланиш корхоналари бўлган ресторанларда фавқулотда ҳолатларда содир бўладиган ёниш жараёни тўхташи учун оксидланиш-тикланиш экзотермик занжир реакцияси тузилиши керак. Бу реакцияда тўхташнинг физик ҳамда кимёвий усуллари қўлланилади.

Физик усуллари: алангани ёнувчи модда юзасидан узиб ташлаш, ёнувчи модда юзаси ҳароратини алангаланиш ҳароратидан пасайтириш, оксидловчи модда (кислород) концентрациясини камайтириш (кўпинча ёнмайдиган газлар концентрациясини ошириш ҳисобига) ва ёнувчи модда билан оксидловчини бир-биридан ихоталаш.

Кимёвий усуллар: ёниш реакциясини тормозлаш ҳисобига амалга оширилади.

Фавқулотда ҳолатларда касб-хунар коллаж ва бошқа турдаги корхоналарнинг ёнғин вақтида қўлланиладиган ўт ўчириш воситалари асосан уч турга бўлинади:

- 1) Ёнишни тугатиш усули бўйича – совитувчи, аралаштирувчи ихоталовчи, ингибиритлаштирувчи.

- 2) Электр ўтказувчанлиги бўйича – электр токини ўтказувчи (сув, буғ, кўпик), электр токини ўтказмайдиган (газлар, кукунли бирикмалар).
- 3) Заҳарлилиги бўйича – заҳарли (фреон, бромэтил), кам заҳарли (карбонат ангидрид, азот), заҳарсиз (сув, кўпик, кукунли бирикмалар).

Сув ўтни ўчиришда энг кенг тарқалган моддадир. Ўзининг қуидаги хусусиятлари туфайли ўтни ўчиришда энг афзал ҳисобланади. Иссиқлик сиғими катта, ёнаётган юзага тушганда унинг иссиқлигини ютиб олди. Юқори ҳароратли юзаларга тушган сув тезда буғланади. Буғланиш натижасида унинг ҳажми 1700 марта ортади ва вақтинча ёнаётган юзани қамраб олиб, ҳаводаги кислород миқдорини камайтиради. Сувнинг юзаларини ҳўллаш хусусияти ёнғиннинг тарқалмаслигига катта рол ўйнайди. Унинг сирт таранглиги кичик ($0,073 \text{ н/м}$) бўлганлиги учун ёнаётган моддаларнинг тирқиши ва тешикларига тезда кириб, уларни совитади.

Пахта толаси ёнганда сув билан ўчириш самара бермайди. Ёнаётган пахта толаларини сув тўла ҳовузга ташлаб, бир ҳафтадан сўнг олингач ҳам тутай бошлаган ҳоллари кузатилган. Бунинг сабаби, сувнинг сирт таранглиги кичик бўлишига қарамай жуда кичик тирқишларга, масалан, пахта толаси, пахта чанги юзаларидаги тирқишларга кира олмайди. Уларнинг атрофи сув билан қопланган бўлишига қарамай, толанинг ички қисми чўғланишда давом этаверади. Шунинг учун пахта ёнганда уни ўчириш учун сирт таранглигини камайтириш мақсадида ҳўлловчи моддалар қўшилади. Бу тадбир сув сарфини 2-2,5 марта ва ўт ўчириш вақтини 20-30 %га камайтиради. Кенг тарқалган ОП-1 ҳўлловчи моддасидан сув оғирлигига кўра 3,5-4 миқдор ёки «некал» НВ ҳўлловчиси 0,7-0,8 миқдор қўшилади.

Ўт ўчиришда сувнинг салбий хусусиятларидан бири электр токини ўтказувчанлигидир. Бу кучланиш остида бўлган ускуналарни ўчириш имкониятини бермайди. Бундан ташқари, сув айrim моддалар (калий, натрий) билан кимёвий реакцияга киришиб парчаланади. Парчаланиш натижасида ажralиб чиқадиган водород портлаши мумкин, кислород эса ёнишни кучайтиради. Шунингдек, сув билан калций карбидини ҳам ўчириб бўлмайди, чунки унга сув текканда ёнувчи газ – ацетилин ажralиб чиқади.

Бу ўт ўчириш асбобида хавфсизликни таъминлаш учун тешикчани сим билан олдиндан тозалаб кейин ишга тушириш керак. Акс ҳолда кўпик қотиб қолиб тешикчани беркитиб куйган бўлса, баллон портлаб кетиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, ҳар йили пўлат баллонни 2 МПа гидравлик босимда синаб кўрилади, сўнгра кислота ва ишқор билан қайтадан тўлдирилади.

Ҳаво-кўпикли ўт ўчириш асбоблари ишқорли элементлар ва электр ускуналаридан ташқари турли моддаларни ўчиришда ишлатилади. 16.5-

расмда ОВП-10 ҳаво-кўпикли ўт ўчириш асбобининг схэмаси келтирилган. Бу асбоб ёнғин юзаларини 60 каррали кўпик билан таъминлаши мумкин. Ўт ўчириш асбобининг қобиғида кўпик ҳосил қилувчи қоришма, стакан ичидагэ эса босим остида карбонат кислотаси жойлаштирилган.

Бу асбобни ишга тушириш учун дастак қаттиқ босилади, шу билан бирга карбонат кислота солинган баллончанинг мемранаси тешилади. Ундан чиқаётган карбонат кислота асбоб қобиги ичидагэ босим ҳосил қилади. Натижада, кўпик ҳосил қилувчи модда сифон орқали карнайсимон оғизга чиқиб, ҳаво билан аралашиб кўпик ҳосил қилади.

Хладонли ва аэрозолли ўт ўчириш асбобларига карбонат кислотали – бромэтилли ўт ўчириш асбоблари киради. Уларнинг заряди сифатида галлоидланган углеводородли бирикмалар ишлатилади (бромли этилен, бромли этил, тетрафтордибромэтан ва бошқалар). Бу асбоблар транспорт воситалари ва кучланиши 380 В. гача бўлган электр ускуналаридан чиқкан ёнғинларни ўчиришда ишлатилади.

Кукунли ўт ўчириш асбобларида ўчирувчи модда сифатида кукунли таркиблар ишлатилади. Ҳозирги пайта ОП-1, ОП-2, ОП-2Б, ОП-8Б1 ва бошқа кукунли ўт ўчириш асбоблари ишлаб чиқарилмоқда.

Хулоса

Бугуни кунда таълимнинг самарадорлигини ошириш ўз ўрнида ёшларнинг таълим марказида бўлишини ва уларнинг мустақил билим олишларини таъминлашга хизмат қиласди. Бу йўлда таълим муассасаларига яхши тайёргарлик кўрган ва ўз соҳасидаги билимларни мустаҳкам эгаллаган кадрлар талаб этилиши билан бир қаторда уларнинг замонавий педагогик технологияларни ва интерфаол усулларни биладиган, улардан ўкув ва тарбиявий машғулотларни ташкил этишда фойдалана оладиган мутахасия сислар зарур. Бунинг учун барча фан ўқитувчиларини янги педагогик технологиялар ва интерфаол усуллар билан қуроллантириш ва олган билимларини ўкув-тарбиявий машғулотларда қўллаш малакаларини узлуксиз ошириб бориш кенг йўлга қўйилмоқда.

Мен “Молиявий натижалар ҳисоботи мавзусини ўқитишида педагогик технологияларнинг аҳамияти ва улардан самарали фойдаланиш йўллари” мавзусида битирувмалакавий ишим юзасидан тадқиқотлар олиб бориб, шу хулоса га келдимки, таълимда ўкув машғулотларнинг доимий равишда бир хилда такрорланиши талабаларда лоқайдлик, билим олишга нисбатан масъулиятсизлик кайфиятини ҳосил қиласди. Шу боис, айни вақтда бундай ҳолатни олдини олишнинг энг самарали йўли сифатида таълим муассасалари фаолиятига ноанъанавий таълим усулларини ва илфор педагогик технологияларни изчил, мақсадга мувофиқ равишда татбиқ этиш эътироф этилмоқда.

Шунинг учун мен ўзимнинг битирув малакавий ишимда, турли замонавий педагогик технологиялар асосида педагогик фаолиятни ташкил этиш индивидуал ва ижодий хусусиятга эга деб фикр юритдим. Таълим ва тарбия жараёнини йўлга қўйишида педагогик технологиялардан фойдаланиш ҳар бир педагогнинг шахсий имкониятлари, касбий маҳорати ҳамда ижодкорлик лаёқати даражасига боғлиқ деб ўйлайман.

Битирув малакавий ишимнинг мақсадидан келиб чиқиб “Молиявий натижалар ҳисоботи” мавзусини ўқитишида педагогик технологияларнинг ўрни ва холати ўрганиб чиқилди, ундаги ютуқ ва камчиликлари аниқланди, турли замонавий педагогик технологияларнинг илмий-назарий ва ташкилий-услубий жиҳатлари ўрганилиб уни қўллашнинг амалий таклифлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот ишимда педагогик технологиялар назариясининг можияти, унинг шаклланиши ҳамда афзалликлари, таълим жараёнининг истиқболини таъминлашдаги муҳим ўрни ва роли, шунингдек, ноанъанавий таълим усулларни таълим (иқтисодий ўкув фанларни жумладан “Бухгалтерия

хисоби” фаниини ўқитиш) жараёнига татбиқ этиш шартлари хусусида тушунча беришга ҳаракат қилдим.

Ўрганишлар асосида, таълим тизимида педагогик технологияларни қўллаш бир қадар мураккаб жараён бўлиб, мазкур жараёнда мутахассислик йўналишлари ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш тақозо этилишига гувоҳ бўлдим. Тадқиқот ишини олиб бориш жараёнидатурли педагогиг технологияларни ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш муаммолари қуидагилардан иборат эканлиги аниқланди:

- педагогик технологиялар назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера оловчи манбаларнинг етарли эмаслиги;
- мавжуд манбаларда хусусий фанлар, шунингдек, муайян таълим муассасаларининг фаолият йўналишларига ҳамда хусусиятларига мувофиқ уларнинг фаолиятига педагогик технологияларни тадбиқ этиш механизмининг ишлаб чиқилмаганлиги;
- педагогик технологияларни таълим тизимида ўқув-тарбия жараёнига тадбиқ этиш йўлида амалга оширилган тадқиқотлар натижаларининг яхлит ҳолда таҳлил этилмаганлиги ҳамда бу борада қўлга киритилган тажрибаларнинг оммалаштирилиши борасида сусткашликнинг мавжудлиги;
- таълим муассасалари, шу жумладан, академик лицей ва касб-хунар коллеж муассасаларида фаолият юритаётган педагогларнинг ноанъанавий таълим асосларини пухта ўзлаштирмаганликлари ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга эмасликлари;
- педагог ходимларни тайёрлаш жараёнини технологиялаштириш борасида кенг кўламли амалий ҳаракатнинг ташкил этилмаганлиги.

Қайд этиб ўтилган муаммоларнинг бартараф этилиши етук мутахассисларни тайёрлаш, шунингдек, бўлғуси педагогларда умуммеҳнат ва касбий кўнишка ҳамда малакаларни такомиллаштиришда қуидагиларга эътибор қаратишни таклиф этиш мумкин:

- 1) Тадқиқот анъанавий ва ноанъанавий таълим усулларидан фойдаланган ҳолда ташкил этилди ва таълим жараёнида педагогик технологиялардан фойдаланишнинг самараси юқорилигига яна бир бор амин бўлдик, шу боис Республикамиздаги барча касб-хунар коллеж ва академик лицейларда иқтисодий фанларни ўқитишда ҳар бир дарс жараёнида ноанъанавий таълим усулларини қўллаган ҳолда машғулотларни ташкил этишни тавсия қилиш мумкин;
- 2) Бўлажак бухгалтер-педагог ноанъанавий таълим асосларини ҳамда ўқитишнинг интерфаол, репродуктив ва муаммоли изланиш

ноанъанавий таълим усулларини пухта ўзлаштириши ҳамда ўз фаолиятларида улардан самарали фойдаланиш малакаси (тажрибаси)га эга бўлиши;

- 3) Педагогик технологияларинг назарияси ва унинг асослари борасида маълумотлар бера оловчи манбаларни чоп этиш, яъни иқтисодий фанларни ўқитишда “Ассисмент”, “Икки ёқлама кундалик” ва “Брифинг”, “Давра сұхбати”, “Блиц суров”, “Таълимий ўйин”, “Пинборд”, “Вазиятлар усули”, “Ўқув лойихалар” ва “Кейс-стади” ноанъанавий таълим усуллари борасида маълумотлар бера оловчи манбалар(ўқув қўлланма, электрон дарсликлар)ни чоп этиш;
- 4) Академик лицей ва касб-хунар коллежларда педагогик технологияларни қўллаш соҳасида педагоглар учун “ўқув марказ”ларини, ахборот воситалари ва техник воситалардан фойдаланишни таъминлаш мақсадида компьютер курсларини ташкил этиш ҳамда педагог кадрлар ўзаро дарсларга мунтаззам қатнашиш ва тажриба ортириши;
- 5) Таълим жараёнида таълим шаклига мос холда хоналарнинг жиҳозланиши, ноанъанавий таълим усулларини қўллаганда вакт чегарасини стандартлаштиришга ҳамда техник жиҳозлар ва электр токларидан фойдаланилганда хавфсизликни таъминлаш.

Хулоса қилиб айтсак, янги таълим тизими, мазмуни, ўқув режа, дарсликлар асосида ўқув жараёнини лойихалаштиришга ҳам янгича ёндошиш ва ташкил этиш зарурати туғилмоқда.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ўзининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида алоҳида таъкидлаганлариdek, “Биз таълим тизимидағи инновация ва креатив ёндашувлар асосида таълим-тарбия сифати ва даражасини янги босқичгакўтишимиз ва бунинг асносида ушбу соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашимиз лозим.”¹⁸ Шу сабабли ҳам биринчи навбатда таълим мазмуни ва унинг таркибини кенгайтириш ва чукурлаштириш, хусусан, бу мазмунга нафақат билим, кўнишка ва малака, балки умуминсоний маданиятни ташкил қилувчи - ижодий фаолият тажрибаси, теварак-атрофга муносабатларни ҳам киритиш ғояси кун тартибига кўндаланг қилиб қўйилди.

Юқорида билдирилган фикр мулоҳазалардан шундай хулосаларга келиш мумкин:

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2017 -йил 22-декабръ.

- 1) Таълим жараёни самарадорлигини ошириш, таълим олувчиларнинг мустахкам назарий билим, фаолият, кўникма ва малакаларини шакллантириш, уларни касбий маҳоратга айланишини таъминлаш мақсадида ўқитиш жараёнида янги педагогик технологиядан фойдаланиш давр тақозоси ҳамда ижтимоий зарурият сифатида кун тартибиға қўйилмоқда.
- 2) Таълим жараёнига янги педагогик технологияни тадбиқ этиш кадрлар тайёрлашга йўналтирилган умумий жараён мазмунининг сифат жиҳатдан ўзгаришини таъминлайди.
- 3) Янги педагогик технология назарияси ғояларидан фойдаланиш асосида ташкил этилган таълим жараёни баркамол шахс ва малакали мутахассисни тарбиялаш борасидаги ижтимоий буюртманинг бажарилиш холатининг сифат кўрсаткичига эга бўлишига олиб келади.
- 4) Баркамол шахс ва малакали мутахассисларнинг ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнидаги фаолиятлари ҳамда уларнинг самараси ижтимоий тараққиётнинг тезлашувига олиб келади.

Мазкур битирув малакавий ишда ҳозирги замон ўрта маҳсус қасбхунар таълимида “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўқитишида, хусусан ўқувчиларга “Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот” мавзусини ўқитишида ўқув жараёнини ташкил қилишнинг амалий кўникма ва малакаларини шакллантирувчи восита ва усувлар методикаси баён қилинди. Унинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ишлаб чиқилган қоидалар ва методик тавсиялар “Бухгалтерия ҳисоби” фанини ўқитишида коллеж ўқувчиларининг билиш фаоллигини ошириш ва уларнинг амалий кўникмаларини оширишга асос бўлади. Тавсия этилган тадбирларнинг шакли ва мазмuni ҳамда уларни амалга ошириш методларининг мақсадга мувофиқ эканлиги ўтказилган тажриба-синов ишларида ўз тасдиfinи топди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1992 йил 8 декабр.
2. Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонуни 1997 йил 29 август.
3. Ўзбекистон Республикаси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» 1997 йил 29 август.
4. Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида» ги Қонун. Т.: (янги таҳрир/ 2016 й 13 апрел).

II. Ўзбекистон Республикаси президенти Фармон ва Қарорлари.

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси 2017й. 22-декабр.
6. «Ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президенти Қарори. //Халқ сўзи газетаси, 2011 й, 3-июн.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Қарорлари.

7. «Ўрта маҳсус, касб-ҳунар таълими тизими учун дарсликлар ва ўқув адабиётининг янги авлодини яратиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 августдаги 341-сонли Қарори.
8. «Маҳсулот (иш, хизмат) ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» ги Низом. ЎзР Вазирлар маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон Қарори.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари.

9. Ш.М.Мирзиёев ” Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз” Т.: - Ўзбекистон - 2016 й. 14-б.
10. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. Т. Ўзбекистон, 2017 й
11. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакни мард ва олий жаноб халқимиз билан бирга қурамиз. Т. Ўзбекистон, 2017 й
12. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари”. – Т.: Ўзбекистон, 2009 й.
13. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов. Она юртимиз бахту-иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. Т. “Ўзбекистон”. 2015й.

V. Ўзбекистон Республикаси вазирларини меъёрий-хуқуқий хужжатлари.

14. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Олий таълимга оид меъёрий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2000 йил 22 сентябр 251 сонли буйруғи.
15. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг “Иқтисодий гуманитар фанлар бўйича маъруза матнларини тайёрлаш ва нашр этиш тўғрисида”ги 2000 йил 19 июн 176 сонли буйруғи.

VI. Дарслер

16. А.Ўлмасов., А.В.Вахобов. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент 2014 й.
17. У.Нишоналиев. «Педагогика курси» дарслер. -Т.: Ўқитувчи, 2010 й.
18. Е.Н. Пронина, В.В.Лукашевич. “Психология и педагогика”. Учебник для студентов ВУЗов. –М.: «Элит», 2010 й.
19. В.А.Сластенина. Педагогика профессионального образования. /Под. ред.–М.: «Академия», 2004 й.
20. В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мищенко, Е.Н.Шиянов. Педагогика. / М.: Школьная пресса, 2010 й.
21. Б. Зиёмуҳаммедов ”Педагогик технология” Тошкент :”Турон-Иқбол” 2006 йил 88 бет.
22. Э.А.Искандаров, Д.Ж.Норбоева “Педагогика. Психология” Самарқанд. 2008 й.
23. Искандаров. Э.А, Б.Годфри, П.Назаров “Узлуксиз таълим бўйича хориж тажрибаси” Самарқанд. 2004 йил.69 бет.
24. Йўлдошев Ж. ”Замонавий педагогик технологияларни амалиётга жорий қилиш”-Т., 2008 й, 130б.
25. Н. Сайдахмедов “янги педагогик технологиялар.Т.: 2003

VII. Ўзв қўлланмалар

26. М.М.Муҳаммедов, Н.А.Камилова ва бошқалар. “Иқтисодиёт назарияси” Ўкув қўлланма. Самарқанд: Жавоҳир Сервис Пресс, 2016 й.
27. О.Бобоҷонов, К. Жуманиёзов “Молиявий ҳисоб” Т.:–“Молия” 2002 й.
28. К.Б. Уразов “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”. Ўкув қўлланма. Тошкет. “Ўқитувчи” 2004 й.
29. Ҳ.Н. Мусаев “АУДИТ” Дарслер. Т.: “Молия” 2003 й. – 220 б.

VIII. Қўшимча адабиётлар

30. В.И.Ломанин Мировая экономика. -М.: 2004 й.
31. А.Киреев. Международная экономика. -М.: 2003 й.
32. Г.Г.Назарова ва бошқалар Жаҳон иқтисодиёти. -Т.: 2005й.

IX. Газета важурналлар

- 33.Иқтисодиёт ва таълим. //Журнал. 1-2 сон. 2017 й.
34. Халқ сўзи //Газета. 2012 й. 22-январ сонли.
35. Таълим ва тарбия. //Журнал. 2010 й. 3-4 сон.
- 36.Иқтисодиёт ва таълим. //Журнал. 1-2 сон. 2011й.

X. Статистик маълумотлар тўплами

37. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилдаги Иқтисодий ривожлантириш бўйича якунлари. Т.: Статистика давлат қўмитаси, 2018 й.

XI. Интернет ва статистика маълумотлари

1. <http://www.stat.uz>
2. <http://www.ecsocmen.edu.uz>
3. <http://www.worldbank.org>.
4. <http://www.region.uz>
5. <http://www.lex.uz>